**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**

**«ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШ» КАФЕДРАСИ**

# Ўқитувчи – нутқ маданияти маръузалар матни

**Тузувчи:** филология фанлари номзоди, доцент в.б С. Р. Рахмонова

**Тақризчи:** ф.ф.н, доцент в.б С. Ҳамдамова

**Тошкент – 2014 й**

## “Ўқитувчи – нутқ маданияти”  курсининг ўқув дастури

**1-мавзу.** ***Кириш***. *“Ўқитувчи – нутқ маданияти” фанининг мақсад ва вазифалари. Тил ва нутқ тушунчаси. Туркий тиллар. Ўзбек тилининг тутган ўрни: ўзбек тили қадимий тиллардан бири эканлиги; сершевалиги; пурмаъною пурҳикматлиги; бойлиги, сержарангу жозибадорлиги; таъсичанлиги. Нутқ маданияти фанининг бошқа фанлар билан боғлиги. Фан билан боғлиқ адабиётлар ҳақида, улардан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар. Маъруза матнлари билан талабаларни таништириш.*

Маълумки, ҳар бир тил шу тилда сўзлашувчи миллатнинг маданиятини ўзида акс эттиради. “Ўқитувчи – нутқ маданияти” фанининг асосий мақсади талабаларга нотиқлик санъати сирларини ўргатишдан иборат, чунки жамиятнинг барча жабҳаларида хизмат қилувчи ҳамма мутаҳассислар учун, ҳар қандай маданиятли киши учун ўз фикрни баён қилаётганда лисоний воситалардан тўғри фойдаланиш, ҳар бир тил воситасини ўз ўрнида қўллаш ҳаётий зарурат ҳисобланиши керак.

Маданиятнинг бир бўлаги сифатида нутқ маданияти ҳар бир зиёлининг зиёлилик даражасини белгилайдиган мезондир.

Айниқса, санъат аҳли ҳамиша элнинг назарида бўлади. Шундай экан, у нафақат ўзининг куй, қўшиқлари ва ижроси билан, балки мазмундор, таъсирчан, жозибали нутқи билан ҳам тингловчини, суҳбатдошини сеҳрлаб қўймоғи лозим. Аслида нутқнинг сеҳри куй ва қўшиқнинг сеҳридан қолишмайди. Санъаткор ўз нутқи устида ҳам тинмай ишлаши, нутқ маданиятининг сир – асрорларидан воқиф бўлмоғи жоиз.

Талбалар нутқ узвларидан тортиб нутқ товушларининг лингвистик хусусиятлари, адабий тил билан ҳамоҳанлиги, нутқ одоби, нутқ маданияти мезонлари, бадиий тасвир воситалари ҳақида маълумотга эга бўладилар.

Шунингдек талабалар нутқ маданияти мезонларини ўзлаштириш билан бир қаторда нутқ услублари ҳақида ҳам тушунчага эга бўладилар, уларнинг бир – биридан фарқи, услубларни ўз ўрнида қўллаш маҳоратларини ўрганадилар. Шу билан бирга талабалар нутқий матнлар тузиш, нутқий матнларни таҳлил қилиш, ўзлари ижро этадиган қўшиқ матнлари устида ишлаш, қўшиқ матнини, яъни шеърни ёд олиш, ифодали ўқий олиш малакаларига ҳам эга бўладилар.

Алишер навоий таъбири билан айтганда: “Яхши сўзлай олиш санъатдир, ноёб ҳунардир”. Демак, яхши сўзлаш санъат экан, у санъаткор учун касбий эҳтиёж сифатида зарурдир.

Қадимги Юнон ва Римда нотиқлик санъатининг ривожланиши. Аристотель нотиқлик ҳақида. Цицероннинг нотиқлик санъатинини ривожлантириши.

Ўзбекистон тарихида нотиқлик санъати. Соҳибқирон Амир Темурнинг нотиқлик санъати. Алишер Навоий нотиқлик санъатининг ўрни ҳақида. Ҳусайн Воиз Кошифий - моҳир сўз устаси.

Мустақиллик даврида миллий нотиқлик санъатининг шаклланиши ва ривожланиши. Сиёсий жараёнларда нутқ маданиятининг ўрни.

Миллий истиқлол мафкураси ва маънавий қадриятларни тарғиб этишда нотиқлик санъатининг ўрни.

Инсоннинг моҳияти ижтимоий-сиёсий муносабатлар йиғиндиси эканлиги. Инсоннинг жамият аъзоси сифатидаги ўрни. Инсонда жамиятга дахлдорлик сифатлари. Ижтимоий-сиёсий муносабатларда муомаланинг аҳамияти. Муомала - маънавий қадрият сифатида. Инсоннинг муомала қилиш қобилияти маданиятлилик белгиси сифатида.

**2-мавзу.** *“Ўқитувчи – нутқ маданияти” ва нутқ одоби. Пандномa асарлар таҳлили. Нотиқлик санъати – нутқ маданиятининг асоси. Нотиқлик санъати вакиллари ҳақида маълумотлар. Арасту, Демосфен, Цицирон.*

Муомаланинг маънавий қадриятлар ва адолат принципларига амал қилишининг аҳамияти. Муомаланинг инсон меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантиришдаги ўрни.

Нотиқликнинг турли ҳолатлар ва муҳитларда қўлланилишининг ўзига хос хусусиятлари. Нотиқликнинг турли хил вазиятларда турлича қўллаш ва турлича аҳамият касб этиши. Ижтимоий-сиёсий нутқ ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Академик (маъруза, илмий маъруза) нутқ, аудитория нутқи. Ижтимоий-маиший (турли тадбир, юбилей кабилардаги) нутқлар. Сайловлардаги учрашувлардаги нутқлар.

Нотиқлик санъатининг турли шакллари: монологик нутқ (маъруза, турли чиқишлар), мулоқотли нутқ (баҳс, мунозара, суҳбат ва бошқалар).

Матнга таянган ҳолдаги нутқ сўзлашнинг ўзига хос жиҳатлари. Матнсиз нутқ сўзлаш қобилиятини эгаллаш маҳорати. Импровизация. Аудиторияни жалб этган ҳолда нутқ ирод этиш санъати. Нутқ санъатида кўргазмали қуроллар ва турли техникавий воситалардан фойдаланиш усуллари. Нутқни жамоа манфаатларига боғлиқ ҳолда ирод этиш маҳорати. Нутқнинг адолат тамойилларига, умуминсоний қадриятларга, инсонни қадрлаш ва эъзозлаш анъаналарига асосланиши унинг ишонтирувчилик ролини ошириш кафолати сифатида.

Нотиқлик маҳоратини ошириш йўллари. Нотиқлик маҳоратини оширишда машқ қилиш, кўникма ва малакани ошириш услублари. Нутқнинг юқори савияда бўлишида ахборот бойлигининг ўрни. Нутқ ирод этишда уни далиллаш, унинг аниқ фактларга асосланиши. Халқ кўнглида, лекин ҳали

илғаб олинмаган инсоний орзулар ва манфаатларни ҳис этиш ва уларни нутқ жараёнида ишлатиш каби услубларни эгаллаш масалалари кўзда тутилади.

### **3 – мавзу.** *Алишер Навоий ва нутқ маданияти.*

*Турли асарлардан жамланган ўгитлар. Ўзбек воизлик санъати ҳақида тушунча. Воизлар тўғрисида маълумотлар. Хожа Муайяд Меҳнагий, Мавлоно Риёзий, Ҳусайн воиз Кошифий.*

Маълумки, Алишер Навойи, Ҳусайн Воиз Кошифий, Шайх Саъдий Шерозий каби буюк Шарқ алломалари ижодида суҳбат ва нутқ одоби қоидалари қиёмига етказиб баён этилган.

Мутафаккирларимизнинг наздида тил суҳбат ва нутқ одобининг бирдан-бир воситасидир. Уни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ишлатишгина нотиқни мақсадга муяссар этиши мумкин.

Ҳаётда, инсонлараро муомалада тилнинг фаолиятига эҳтиёж ва зарурат жуда катта. Қуйидаги ҳолатларда тилни суҳбатга очиш лозим ҳисобланади: Зарурат тақозоси билан кўнгилдаги яширин сирларни ошкор этиш, мазлумларнинг фарёдига, нидосига, илтижосига жавоб бериш, мазлумларга мадад бериш мақсадида сўз айтиш. Зотан, бу ҳолатларда кўнгил енгил тортади, айтилган сўзлар мазлумларни золимлар зулмидан озод этиши мумкин.

Тилдан фойдаланиш билан бирга, кези келганда, тилни сақлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Тилни асраш ўзни асраш, тинчликни сақлаш, инсон-лараро муомала, муносабат мувозанатини меъёрлаштиришга сабаб бўлади.

Дарҳақиқат, айтилган сўз одам учун фарзанди тарбиясидай бир нарсадир. Ота-она фарзандидан тонолмагани сингари, ўз сўзидан ҳам тонолмайди.

Фарзанд ҳам ота-онадан тонолмагани каби, сўз ҳам сухандоннинг ўзиники. Шунинг учун айтиладиган сўзга масъуллик ота-онанинг фарзандга, фарзанднинг ота-онага масъуллиги даражасида бўлмоғи лозим. Элга фойда келтирадиган фарзанд қобил, бировга зарари тегадиган фарзанд эса ноқобил саналади. Сўз ҳам шундай. Бировга нафъи тегадиган сўз яхши саналади ва у ўз эгасига шараф келтиради. Бировга зарар етказадиган сўз эса ёмон ҳисобланади ва сўзловчини бадном этади.

Инсоний муомала-муносабатнинг дебочаси салом-аликдир. Суҳбат ва нутқ одоби салом-аликдаёқ кўриниб қўя қолади. Зеро, салом-алик одоб-ахлоқнинг бирламчи бегиларидандир. Шаркда саломаликнинг ўзига хос одоби ва қоидалари шаклланган. Унга кўра, қуйидаги шароитларда инсонлар бир-бирлари билан салом-алик қилишлари вожиб. Аввало, дўсту биродарлар бир-бирларини кўрганларида салом-алик қилишлари шарт. Иккинчидан, йўлда юрганда, одамларга салом бериш керак. Кейинги пайтларда, айниқса, катта шаҳарларда бу одатга амал қилинмай қолди. Учинчидан, биродарининг эшигига етганда, салом бериш жоиз. Тўртинчидан, ўтиришлар, йиғинларга, тўй-маъракаларга борганда, ҳозир бўлган жамоага салом бериш лозим. Бешинчидан, агар киши бир ерда ўтирган бўлса ва ўрнидан туриб кетадиган бўлса, қолганларга салом дейиши лозим. Бу – хайрлашув саломи бўлади. Олтинчидан, қабристонга яқинлашганда салом бериш вожиб. Етгинчидан, инсон ўз уйига кирганида, хонадон ахлига салом бериши керак.

Ҳаётда салом бермаслик керак бўлган шароитлар ҳам бор. Буни баъзилар фаҳм-фаросат билан илғаб оладилар. Баъзилар эса тарбиячилар айтмаганлари учун англамай, амал қилмай юраверадилар. Бу нарса оила, боғча, мактаб тарбиясида, албатта, кўзда тутилиши лозим. Қуйидагидек вазиятларда салом берилмайди: ҳаммомда ювинаётганда, ҳожатхонада ўтирганда, Қуръон ўқиётганда, номаҳрам хотинлар дуч келганда, номоз ўқиб турган одамга.

Шарқона ахлоқ ва ҳаётий вазиятлардан келиб чиқиб, шакллантирилган салом бериш одобига биноан, салом берувчи киши пок бўлиши керак: отлиқ

ёки бошқача уловдаги одам яёв кишига салом бермоғи жоиз; ёши кичик одам ёши улуғ одамларга биринчи бўлиб салом бермоғи лозим; салом бераётган одамнинг чеҳраси очиқ ва хурсанд бўлса, у бошқаларга ҳам хушнудлик бағишлаши, борган даврасига файз киритиши мумкин; ишора ёки имо (бошни қимирлатиб, қўлни кўкракка қўйиб) эмас, балки овоз чиқариб: «Ас саломи алайка» ёки «салому алайк» десин ва агар жамоатчилик билан кўришаётган бўлса, «Ассалому алайкум» деб айтиш одобдандир; икки киши бир-бирига яқинлашганида, қўл бериб кўришмоғи маъқул, чунки бу дўстлик ва биродарликни билдиради.

Саломга тегишлича жавоб қайтариш ҳам муҳим инсоний фазилатдир. Абдулла Ориф «Маломат тоши» шеърида инсонлар томонидан ёғдириладиган маломат тошининг сабабларидан бирини – «у балки аликсиз қолган бир салом» дея жуда тўғри белгилайди. Саломга жавоб қайтариш шартларига кўра, саломга хурсанд бўлиб алик олиш лозим. Иккинчидан, салом берганга раҳмат дейиш ҳам ўринли. Учинчидан, агар ислом миллатига мансуб бўлмаган одам салом берганида ҳам, ҳурмат кўрсатиб, алик олган маъқул. Тўртинчидан, саломга алик олувчи ҳам таҳоратли, пок бўлиши керак. Бешинчидан одамлар, жамоат бўлиб ўтиришган бўлса, ораларидан бир киши саломга жавоб қайтарса, етарлидир. Олтинчидан, саломга ишорат билан эмас, овоз чиқариб алик олиш зарур. Етгинчидан, саломга алик олганда, салом берган киши буни эшитиши лозим. Зеро, салом-аликнинг фазилати – инсонларга эзгулик тақдим этиш ва зудлик билан эзгуликка жавоб қайтаришдан иборатдир.

Суҳбат ва нутқ одобида маданият ҳамда фаҳм-фаросат билан савол-жавоб қилиш, сўрашиш ҳам муҳим ўрин тутади. Шайх Саъдий «Гулистон» асарининг «Суҳбат одоби зикрида» бобида шундай ҳикоят келтиради: «Баданимда либосим остида бир пинҳон ярам бор эрди. Шайх, раҳматуллоҳи алайҳ, ҳар кун сўрар эрди ва қайси узвимда эрканин сўрамас эрди. Андин иҳтироз этар эрдиким, ҳар узвни зикр этмак раво эр-мастурар. Хирадмандлар дебдурларким, ҳар кишининг саволидин ранжида бўлсалар, жавобида ранжида

бўлурлар». Демак, камоли эҳтиёткорлик билан савол-жавоб қилиш лозим экан. Чунки кишининг кўнглига тегадиган, ранжитадиган савол худди шундай жавобни келтириб чиқариши ва бу инсонлараро нозик муносабатга рахна солиши мумкин экан.

Ҳозирги шароитда нутқ маданиятига бўлган муносабат кескин ўзгарди. Собиқ шўролар даврида нотиқликка "сукут сақлаётган суҳбатдош билан мулоқот" деган таъриф берилган эди. Бу фикр қарамлиги, тафаккур қуллигига асосланган, монологик мулоқот устувор бўлган тоталитар тузумнинг меваси эди. Ҳуқуқий демакратик давлат, фуқоролик жамият қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистон шароитида ҳақиқатни барча билишга ҳақли бўлган муҳит қарор топиб, мулоқотда монолог ўрнини деолог, якка ҳоким фикр ўрнини фикрлар хилма-хиллиги эгалламоқда. Асосий таркибий қисми буйруқ бўлган тизим асосини инонтириш ташкил этувчи демократик мулоқот билан алмашмоқда. "Бизнинг пировард мақсадимиз – инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган маърифатли жамият барпо этишдан иборат" экан, жамиятимиз олдида ўз дунё қараши, ўзига хос мақсад-муддаолари бўлган ижтимоий гуруҳ ва табақаларни бирлаштириш, умуммақсадлар томон йўналтиришдан иборат вазифа туради.

Шу ўринда масаланинг бир жиҳатига эътиборни қаратиш лозим. Аслини олганда, барча замонларда ва ҳар қандай шароитда давлат ва жамият бошқарувини амалга ошираётган шахс ёки каттами-кичикми жамоани бошқараётган раҳбар одамларни ўз ирода-хоҳишига бўйсундириш ва мақсадга эришишга интилади. Бу эса фақат икки йўл билан амалга оширилади: Одамларни мажбур этиш ёки ўзи истаган ишни қилиш мақсадга мувофиқ эканлигига, улар учун фойдалигига ишонтириш мумкин.

Ўз навбатида кишини унинг хоҳиш-иродасига зид ўлароқ, бирон бир ишга бажаришга инсонга онгига хос бўлган икки кучли омилга суянган холда мажбур этиш мумкин. Бирнчи омил қўрқув бўлса, иккинчиси – манфаат. Кишиларни қўрқитиб олиш мумкин, шунда у сизнинг иродангизга

мувофиқ амални бажаради ва у (лар)ни “сотиб олиш” мумкин, бунда у сиз истаган ишни қилади, чунки бундан ўзи ҳам манфаат кўради.

Ҳар қандай тоталитар тизимда (у давлат миқёсида бўладими ёки кичик бир жамоа доирасида) бундай императив – мажбурловчи нутқий таъсир кенг тарқалган бўлади, чунки бундай тизимнинг ўзи ялпи қўрқув ҳиссига таянади. Шахсий манфаат ҳам тоталитар жамиятда одамлар ўртасидаги муносабатларни шакллантиришнинг асосини ташкил этади. Одамлар қўрқитилади ва бир пайтнинг ўзида “сотиб олинади”.

Собиқ иттифоқдаги шўролар ҳукуматининг бошқарувида ҳам шу усуллари ҳукмронлик қилган. қўрқув ва шахсий манфаатга таянган собиқ иттифоқ шароитида бутун жамият конкрет шахслар ёки конкрет кишилар гуруҳи учун ўз истак-иродасини амалга ошириш майдони вазифасини бажарган. Кўп сонли одамлар белгиланган қоидалар асосида ҳаракат қилар ва бемаъни, айрим ҳолларда эса жиноий ишларни амалга ошириб, эвазига шахсий хизмат машинаси, уй-жой, алоҳида таъминот ва бошқа имтиёзлар олардилар. Бутун давлат тизими, ундаги ўрни ва мавқеига қараб каттароқ ёки кичикроқ пора-ю таъмага суянган эди ва бу тизимда ўрин топган кишилар ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, жамиятга ҳизмат қилиш эмас, балки юқорида тилга олинган имтиёзларга эга бўлишга интилганлар ва аслини олганда, бирон-бир фойдали иш қилмай туриб кўп нарсага эга бўлиш учун ҳаракат қилганлар. Коррупция гуллаб яшнаган бундай шароитда халқ ва алоҳида олинган ҳар бир одам ўз руҳий ва ақлий салоҳиятини рўёбга чиқаришдан маҳрум этилган эди. Бу бемаъни, абсурд тизимда шаклланган кўникмалар ҳамон ўз салбий таъсирини ўтказмоқда.

Президент И.А.Каримов мустақил Ўзбекистон тараққиёти йўлига бундай салбий холатларнинг тўсиқ бўлаётганига қайта-қайта эътиборни қаратиб келмоқда. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Республикада таркиб топган вазиятни таҳлил этиб, стратегик вазиятларни белгилар экан шундай

дейди: “Шуни тан олиш керакки, биз мустабид тузум мероси ва ақидаларидан, унинг мафкураси, маъмурий назорати ва цензурасидан жуда катта қийинчиликлар билан ҳалос бўлаяпмиз”[1].

**4 – мавзу.** *Нутқ товушлари ҳақида тушунча. Нутқ товушларининг табиатдаги бошқа товушлардан фарқи . товуш ва ҳарф. Унли товушлар таснифи. Ундош товушлар таснифи. Талаффуз меъёрлари.*

Мулоқот – инсонларнинг ўзаро муносабати, ахборот алмашиниши ва бир-бирига рухий таъсир этиш жараёнидир.

Касбий мулоқот эса умумий мулоқотнинг таркибий қисми ҳисобланади. Шундай касблар борки, уларни мулоқотсиз ва ижтимоий муомала нутқисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис мулоқот ва ижтимоий муомала нутқ маҳоратини эгаллаш айниқса, адабиётшунос, санатшунос, психолог, ва бошқа касблар ходимлари учун жуда ҳам муҳимдир.

Касбий мулоқот ва ижтимоий муомала нутқининг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг психологик томондан тўғри ташкил этилганлигига, мулоқот субъектлари сифатида нутқ сўзловчи ва тингловчи қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши ва бир қатор омилларга эътибор қаратишига боғлиқдир:

- нутқда мантиқийлик, қатьийлик ва жозибадорлик;
- бошқаларни тинглаш маданияти;
- хатти-ҳаракатларнинг, мимиканинг нутқ сўзловчи фикри билан мутаносиблиги;
- мулоқот муҳити – хона ёки аудитория жиҳозларига қўйиладиган талаб ва ҳ.к.

Фиқримизча, ижтимоий муомала нутқи сўзловчи ва тингловчи ўртасвдага бевосита боғловчи воситадир. Нутқда нафас, талаффуз, товуш, урғу, дикция, интонация, пауза (тўхтам), урғу ва мимика сингари нутқий техника омиллари катга аҳамиятга эга. Аниқ ва бурро талаффуз товушнинг

---

[1] “Халқ сўзи”, 2005 йил, 29 январь.

аниқ ва жаранглаб чиқипш, оҳанги, тембри, унинг гоҳ пасайиб, гоҳ баландлашиб туриши тингловчини бефарқ қоддирмайди, тингловчининг диққатини ўзига қаратади, зериктирмайди ва кайта тақрорлаишинг оддини олади. К#йга сўраш эса, одатда, нутқ сўзловчида шубҳа уйғотади ва эътиборсизликни акс этгаради.

Урғу тингловчининг эътиборини маълум бир фикрга, гап таркибидаги аҳамиятли сўзга хизмат қилади. Урғу кўпроқ риторик саволларда самарали қўлланилади.

Сўзлар фақатгина ахборот ва маълумот ташувчи эмас, балки бошқа психологик вазифаларни ҳам бажаради. Яъни маълум бир лексик воситалар-сўз, сўз бирикмаси ва гап касбий мулоқот ва ижтимоий муомала нутқининг бошланишига, давом этишига ва ҳатго тугатилишига сабаб бўлиши мумкин.

Касбий мулоқот ва ижтимоий муомала нутқини бошлашга хизмат қилувчи лексик юситалар:

**"Нимадандир безовта кўринасиз?"**

**"Нимадандир хафамисиз?".**

**"Жуда хурсанд кўривасиз?"**

Касбий мулоқот ва ижтимоий муомала **нутқини давом эттиришга** хизмат қилувчи лексик воситалар:

**"Сизни тушунаман..."**

**"Давом этинг, давом этинг. Бу жуда қнзиқ..."**

**"Мумкин бўлса, батафсилроқ..."**

**"Бундай бўлипга мумкин эмас!"**

Қуйидаги муносабатлар ва жумлалар **касбий нутқий мулоқот** ва ижтимоий муомала нутқинингчекланишига **ёки** тугатилипшга олиб келиши мумкин:

**I. Буйруқ, кўрсатма.**

*"Яна бир қайтаринг!".*

*"Секинроқ гапиринг ".*

*"Мен билан бундай (оҳангда) гаппашманг!"*

**II. Огоҳлантнриш, таҳднд, ваъда:**

*"Яна бир бор такрорланса-тамом".*

*"Ўзингизни босинг, фақат шундагина мен сизни диққат билан тииглаиман ".*

**III. Ўргатиш, маслаҳат беринг:**

*"Бу нотўғри ".*

*"Сиз бундай йўл тутмаслигишиз керак ".*

**IV. Танқид, айблаш, норозилик:**

*"Сизнинг ҳаракатларингиз-нодонлик".*

*"Мен сиз билан бошқа баҳслашмайман".*

*"Шундай бўлади деб огоҳаантирган эдим ".*

**V. Тинчлантириш, ҳамдардлик:**

*"Бу каби ҳиссиёт менга ҳам таниш ".*

*"Ҳамма ҳам хато қилади ".*

*"Биз сизни қўллаб-қувватпаймш ".*

**VI. Муаммодан четлапшш, эътиборни бошқа томонга буриш, ҳазил:**

*"Нега буни миянгиздан (каллангиздан) чиқариб ташламайст?"*

*"Келинг, бошқа мавзуда суҳбатлашашик ".*

Ҳар иккала нотиқ нутқининг мазмун-моҳияти бор. Лекин оддий тингловчининг ёдда сақлаши ва тушуниши жиҳатдан иккинчиси эътиборлидир.

Касбий мулоқот ва ижтимоий муомала нутқининг жозибали ва руҳий таъсирчан бўлиши шуки омилга боғлиқ. Нутқ жараёнида яна шунга риоя этилмаса, мақсадига эришолмайди. Бу нутқ сифатлари ва нутқ техникасидир. Нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, софлиги, таъсирлилиги, жўялиги, бойлиги, ифодавийлиги, соддалига, қисқалиги талаб этувчи омиллар унинг сифатини ташкил этса, овоз, нафас, пауза, интонация, дикция, урғу нутқ техникасини ташкил этади. Ана шу нутқ техникаси воситаларини амалда тўла ва ўринли қўллай билмаган нотиқнинг касбий мулоқоти ва ижтимоий муомала нуткд самарасиз бўлади.

Касбий мулоқот ва ижтимоий муомала нутқи пайтида нотиқ билан тингловчилар ўртасвда бир-бирини тушуниш ва яқинлж анча жонли бўлиши лозим. Ўзини тугаши, характери, сўзлаш манераси, фикр юритиш усули-қайси бири бўлишидан қатьий назар, тангловчилар уни ёқгариб қолишлари керак. Ўзини жозибали сўзи билан суйдира олиш, тингловчида кайга учраяшш иштиёқини уйғотиш билан хайрлапшш нотиқ касбий мулоқоти ва ижшмоий муомала нутқининг муваффақиятининг гаровидир.

Юқоридагалардан келиб чиққан ҳолда айтшп жоизки, касбий мулоқот ва ижтимоий муомала нутқини энг муҳим талабларидан бири *нотиқлик маҳорати ва тинглаш қобишятидир.* Зотан, таниқли ҳуқуқшунослар, файласуфлар, социологлар, маънавиятшунослар, педагоглар ва психологларнинг нуқтаи назарича, ўз-ўзини тингловчи сифатида такомиллаштириш – мутахассисликка кўйилган биринчи қадам. Тинглаш

фаолияти нутқ сўзловчи фикрларини тушунишга ўз навбатида касбий мулоқотни самарали олиб боришга қаратилгандир. Тинглаш-оғир ва машаққатли машғулот. Нутқни тинглаш давомида аксарият ҳолларда тингловчилардан айримлари тез-тез савол бериб такрор сўрашга мажбур бўлади. Бу эса касбий мулоқотга ва нутққа салбий таъсир кўрсатади. Саволларнинг кўп бўлиши мавзунинг тингловчилар томонидан зўр қизиқиш билан яхши қабул қилинганини англатади. Одатда, икки ҳолатда савол берилмайди: касбий мулоқот ёки ижтимоий муомала нутқи мавзуси тўла ўзлаштирилганда ёки ҳеч нарса тушунилмаганда. Тингловчилар ҳам ўз билими, савияси, дунёқараши, қизиқишидан келиб чиққан ҳолда мурожаат қилишади, шу сабабдан, нотиқлар дилини оғритмасдан, ишончини қозониб жавоб бериши керакки, токи даврада ёки аудиториядаги тингловчиларда нохуш кайфият пайдо бўлмасин. Тингловчилар ўз характери ва мақсадга кўра савол беришади: баъзилари ниманидир ўрганиш, билиш учун, баъзилари нотиқни синаш учун, бошқа бири эса, ўзини кўрсатиш учун савол беради. Шунинг учун ҳам касбий мулоқот соҳиби ёки нотиқ нутқ пайтида ҳар қандай сўзга, ҳар қандай ҳолатга тайёр туриши керак.

Раҳбарнинг мулоқот ўрнатиш маҳорати, ўзгаларни инонтириш қобилиятининг аҳамияти ва зарурияти мамлакатимиз ва бутун жаҳон миқёсидаги мураккаб мафкуравий жараёнлар билан ҳам белгиланади. Тараққиётнинг асосий шарти мамлакатдаги барқарорликдир. Давлат ва жамиятдаги барқарорликни сақлашнинг бош омили эса турли гуруҳ, ташкилот ва давлатлар томонидан уюштирилаётган мафкуравий хуружлардан одамларни асрашдан иборат. Инсон онги ва қалби учун кураш кечаётган шароитда ҳар бир раҳбар зиммасига у давлат ва жамият бошқаруви тизимида ишлайдими ёки бирон-бир корхонани бошқарадими, бундан қатъи назар, фуқароларимизни халқимизнинг асл манфаатларини ифодалайдиган ҳаққоний миллий ғоямиз билан қуроллантириш вазифаси ҳам юклатилган.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов “Независимая газета” (Россия) муҳбирининг “рангли инқилоб”лар ва Ғарбнинг Ўзбекистондаги вазиятга таъсири ҳақидаги саволларига жавоб берар экан четдан таъсирдан кўра ички омиллар муҳимроқ эканлигини таъкидлаб шундай деган эди: “...Ҳукуматнинг аҳоли билан алоқаси қанчалик мустаҳкам экани, улар ўртасида мулоқотнинг мавжуд ёки йўқлиги ҳам ғоят муҳим аҳамият касб этади. Энг ёмони, ҳокимият билан халқнииг муносабати кар билан соқовнинг “сўзлашуви”ни эслатадиган ҳолатдир. Бундай вазият маъсулиятни зммmасига олган ҳокимият билан уни сайлаган халқ ўртасида вужудга келмаслиги керак” *(«Халқ сўзи». 2005 й. 19 январь).*

Демак, замонавий раҳбар учун касбга оид билимларнинг, хўжалик ишларини юритиш маҳоратининг ўзи камлик қилади. У тарғибот-ташвиқот ишларининг ўзига хос қонун-қоидаларни билиши, одамлар билан мулоқотда уларни қўллай билиши ҳам лозим. Ва аксинча, одамларнинг онгини ўзгартириш, уларни олий мақсадлар сари йўналтириш каби мураккаб ижтимоий вазифаларни уддалай олмаган киши раҳбарлик лавозимини эгаллаши мумкин эмас. Мамлакат ва халқ тақдири, амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси биринчи навбатда раҳбар кадрларнинг савиясига, уларнинг замон ва тараққиёт талабларига нечоғлик жавоб бера олишига боғлиқ. Энг муҳим талаблардан бири эса нотиқлик маҳоратини эгаллаш, жонли сўзнинг таъсир кучидан фойдалана билишдир. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясидаги нутқида: “Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваломбор, раҳбар курсисига ўтирганларни бугун тушуниш ҳам. оқлаш ҳам қийин”, – дея алоҳида таъкидлаган эди (И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998 йил, 331-бет.).

Нотиқлик санъатининг яхши эгаллаган раҳбар сўз кудратидан фойдаланиб, одамларни ўзига қарата оладиган ҳақиқий йўлбошчига айлана

олади. Бу эса, юқорида айтганимиздек, осон иш эмас. Римнинг буюк нотиғи Цицерон шундай деган эди: “Сухандонлик шундай сифатки, унга осонликча эришиб бўлмайди ва у жуда кўп билим ва меҳнатдан туғилади”. Бу сўзлар ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Нотиқлмк назариясини билиш, одамлар психологиясини ўрганиш, нутқ сўзлашни доимий машқ қилиш ва сўз устида жиддий ишлаш одамларга таъсир ўтказиш, уларнинг диққатини жалб этиш имкониятини беради. Одамларни мажбур этиш уларни инонтиришдан кўра осонроқ. Шунинг учун айрим раҳбарлар одатда мажбурлаш орқали одамларни ўз иродаларига бўйсундиришга ҳаракат қилишади. Бироқ ишонтиришнинг мажбурлашдан кўра афзал жиҳатлари бениҳоя кўп. Ўрта одам унинг қўрқув ва манфаатпарастлик туйғуларига таъсир ўтказилаётган пайтдагина буйруққа қулоқ тутади ва унга амал қилади. Уни қўрқитишни ёки шахсий манфаат орқали ўзингизга мойил қилишни тўхтатганингиз ҳамоноқ у сизнинг таъсирингиздан халос бўлади ва сиз энди уни ўз иродангизга бўйсундира олмай қоласиз. Шунинг учун куч билмас таъсир ўтказиш вақтинчалик ҳолатдир. Ишонтириш эса инсон ақл-тафаккури устидан ҳукмронлик қилиш имконини беради ва доммийлик хусусиятига эга. Агар сиз ўз фикрларингизни ўзга кишининг онгига сингдирсангиз, улар ўша одамнинг ўз шахсий фикридек хатти-ҳаракатларини йўналтирувчи кучга айланади ва оқибат ўлароқ у сизнинг доимий таъсирингиз остида қолади. Тақдир тақозоси билан ўзгаларни ўз фикрига инонтиришга эришган раҳбар эгаллаган лавозимидан кетса ҳам, унинг бошлаган эзгу ишлари давом этади.

Америкалик сиёсатчи ва бизнесмен Д.Уэбстер шундай деган эди “Менда бор бўлган барча нарсани олиб қўйинг. Менга сўзлаш қобилиятимни қолдирсангиз бас. Шунда мен тез орада барча йўқотган нарсаларимни қайта қўлга киритаман”. Беҳуда айтилмаган гап. Бу эътироф ортида катта ҳаётий тажриба, тинимсиз изланиш турибди.

Зеро, “Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча, ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз маъсулияти билан, онгли

тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар уюшган жамиятни, улар барпо этган маънавий-руҳий муҳитни сохта ақидалар, бақириқ-чақириқлар, ҳавойи шиорлар билан асло бузиб бўлмайди. Уларни ўзлари ақл-идрок ва қалб амри билан танлаб олган ҳаётий мақсадлардан чалғитиб ҳам бўлмайди" (И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т., Ўзбекистон, 1999, 97-бет)

**5 – мавзу.** *Нутқ маданияти ва адабий тил. Адабий тилнинг икки шакли. Адабий тил меъёрлари: фонетик, лексик, грамматик (морфологик, синтактик), орфографик, орфоэпик, акцентологик, семантик ва ҳоказо.*

*Нутқ маданияти ва унинг мезонлари. Нутқнинг тўғрилиг. Асосий мезон. Нутқ маданиятининг бошқа мезонлари нутқнинг тўғрилиги мезонига боғлиқлиги. Соф лисоний мезон эканлиги.*

Ушбу усул педагогнинг нутқ маданиятида ҳал этувчи, ғоят муҳим ўрин тутади. Педагог нутқининг маданийлиги – унинг билим даражаси, ақл-идрокининг кўлами, фикрлашдаги етуклиги билан бир қаторда - она тилининг бойлигидан фойдалана билишига ҳам боғлиқ.

Донишмандлар айтганларидек, тил – инсонларнинг энг муҳим алоқа воситаси. Шу боисдан у ижтимоий ҳодисадир. Нутқ архаик, хорижий, лаҳжага хос сўзлардан холи, соф, ихчам бўлгани, унда сўзлар кам, маъно кўп бўлгани яхши; нутқ ўткир, яъни жарангдор, мантиқий ва стилистик урғули, равон, ҳаммага тушунарли, дона-дона қилиб сўзлангани маъқул.

Тил – ҳар бир педагогаинг куроли, фикрнинг бевосита воқеликка чиқишидир. Донолар таъкидлаганларидек, инсон акд-заковати, тафаккури ва онганинг энг бой ютуқлари, теран билимлар, кенг миқёсли илм-фанлар, оташин ҳис-туйғулар нутқда очиқ-ойдин, жарангдор ва жозибадор

ифодаланмаса, кўпчиликка номаълум бўлиб қолаверади. Бинобарин, педагогнинг, нотиқнинг вазифаси баён этиладиган фикрларни талаба, аспирант, тингловчилар бевосита қабул қилиб олишига эришишдан иборат. Бу эса нотиқнинг ўз фикрини қандай шаклда ифода қилишига боғлиқ.

Педагог тили тингловчиларнинг ҳис-туйғуларини уйғотадиган, уларни қизиқтирадиган, диққат-эътиборини нутқ мавзуига жалб этадиган бўлиши лозим. Мавзуни тушунарли ва ишонарли қилиб баён этиш педагог муваффақиятининг гаровидир.

Тил – моддий ва маънавий ишлаб чиқариганинг самараси; узлуксиз саъй-ҳаракат, имо-ишора, баҳслашув ва мулоқот оқибатида вужудга келган маънавий бойликнинг биллур қотишмасидир. Тил - ҳар қандай миллатнинг қалби.

Педагогнинг нутқ маданиятини эгаллашида она тилидан кейинги асосий ўринни бадиий адабиёт эгаллайди. Уни муттасил ва мунтазам ўқиб бориш нотиқнинг сўз бойлигини оширишига, тасвирли ифодаларни, бадиий ибораларни кўпроқ эгаллаб олишига, халқ орасида кенг тарқалган адабий тил бойликларини териб, ўзлаштириб олишига катта ёрдам беради. Бадиий адабиёт нотиқни маиший турмуш, ижтимоий ҳаёт билан ўзи билганидан кўра чуқурроқ таништиради, фикрлаш миқёсини янада кенгайтиради, маданий савиясини оширади, мантиқий тафаккур салоҳиятини бойитади.

Бадиий адабиётни мунтазам ўқиб борадиган халқ олдида тез-тез сўзга чиқиб турувчи педагог, раҳбар ўз нутқида бадиий тасвирлардан ўринли фойдаланади, ҳаётдага айрим воқеаларни, шахсларни бадиий адабиёт қаҳрамонлари билан таққослаш имкониятига эга бўлади, натижада унинг нутқи жонли, ҳаётий, таъсирли бўлади.

Педагогнинг сўз бойлиги катта ва хилма-хил бўлса, унинг нутқи жозибали ҳамда кўркам бўлади. Бунинг учун ўз мутахассислиги соҳасидаги барча асосий тушунча, атама ва категорияларни пухта билиши, ўз ўрнида,

яъни аралаштирмасдан, алмаштирмасдан қўллай олиши керак. Шу билан бирга, у илмий, сиёсий адабиётни, жумладан юртбошимиз асарларини, бадиий адабиётни диққат билан, синчиклаб, муттасил ўқиб бормоғи лозим.

Педагогнинг сўз бойлиги қанчалик кўп бўлса, эътибори, нуфузи шунчалик баланд бўлади, тингловчи ва талабаларнинг онгига таъсири кучли бўлади.

Педагогнинг асосий қуроли – сўз. У қайралган, бинобарин, ўткир, кўп қиррали бўлиши, вақт ўтиши билан ўтмаслашиб бормаслиги лозим. Бунинг учун педагог бадиий адабиётни, изоҳли луғатларни, қомусларни кўп ўқиши, мутолаа қилиши, нотаниш сўзларни ён дафтарига изохлаб ёзиб олиши, вақти-вақти билан такрорлаб туришини тавсия этамиз.

Бироқ педагог сўз, атама (термин), ҳикматли сўз, мшсол, идеоматик (аниқ таржима қилиб бўлмайдиган) ибораларни нафақат билиши, балки уларни моҳирлик билан ўз ўрнида ишлата олиши, жонли, қизиқарли, равон, тушунарли, зериктирмайдиган қилиб сўзлай олиши ҳам зарур. Шундагина унинг ваъзи, маърузаси бадҳазм бўлмайди, талабаларни ўзига занжирбанд қилиб олади, шунда улар вақт ўтганини ҳам, чарчаганларини ҳам билмай қоладилар.

Педагог нимани гапиришнигина эмас, балки қандай гапиришни ҳам билиши керак. Моҳир педагог нутқ маданиятини тарғиб этувчи, бунга қизиқувчиларга мураббийлик, устозлик қилувчи киши ҳамдир. Нутқ маданияти назариётчиларидан бири айтганидек, ўз она тилини ўрганиш, ундан моҳирона фойдаланиш - улуғ иш; агар киши тилни аниқ-равшан билиб олмаса, инсоният тафаккурининг энг буюк ютуқлари, энг чуқур билимлар ва ғоят оташин ҳис-туйғулар унга номаълум бўлиб қолаверади; бинобарин, сўз фикрни ифодалаш қуролидир.

Педагог сўзлаётганда ўз-ўзидан мамнун бўлиб, тингловчиларни мудроқ бостирадиған ва кўнглини ёқимли хомхаёлларга чулғайдиган дабдабали

сўзларни ишлатиши керак эмас; аксинча, талабалар қалбида фуқаролик туйғусини, жасоратини, миллий истикдолдан фахрланиш ҳисларини муттасил жўш урдирадиган, фидокорликка, фаолликка даъват этадиган таъсирчан ибораларни, қалбларни ғафлат уйқусидан уйғотадиган илҳомбахш сўзларни танлаши керак.

Маъруза ўқиётганда ортиқча сўзларни, кириш гапларни, писанднамо ибораларни билдирадиган жумлаларни асло ишлатмасликни тавсия этамиз. Улар сирасига баъзи ношуд, нўнок ўқитувчилар ҳадеб такрорлаб, ишлатаверадиган: *ўртоқлар, биласизми, кўрибсизки, мен сизга айтсам, сирасини айтганда, деди, аптаплик, демак, иннажепин* каби "нишхўрд", "хашаки", "текинхўр" сўзлар киради. Яна баъзи педагоглар *аммо-лекин, ва яна буткул, шуни уцтириш керакки, шуни таъкидламоц лозимки, нимснинг нимаси, ану, ману* каби ўринсиз, бемаъни сўз ва ибораларни ишлатадилар. Педагог буларга асло йўл қўймаслига лозим; акс ҳолда нутқнинг "суви кўп-у, тузи оз" бўлади, тингловчиларнинг жиғига тегади, фикрини чалғитади, зериктиради, вақтини олади, нотиқнинг обрўини туширади; баъзи тингловчилар, нутқни тинглаш ўрнига унда ишлатилган "хашаки" сўзларни санаб ўтирадилар. Бу сўзларни ҳадеб такрорлайвериш нутқнинг сифатига жуда салбий таъсир кўрсатади, нутқнинг мазмунини сийқалаштиради, адабий тилни булғайди.

Ҳар бир педагог сўзлаганда фалсафий маданият талабларига доим риоя қилишни тавсия этамиз. Бу маданиятнинг талабига биноан, ёзишда, сўзлашда *тушунча, категория, атама ва термин; цонун, ва принцип; теорема, аксиома, гипотеза* кабиларни фақат ўз ўрнида, алмаштирмасдан, айнийлаштиршсдан ишлатиш шарт.

Лекцияда халқ оғзаки ижодига мансуб ҳикматли сўзлар, рубоий, тўртлик, қизиқ-кизиқ иборалардан фойдаланиш талаб этилади. Бадиий тасвир, қиёслаш, ҳажвия (юмор) кабилар маърузани қизиқарли қилади;

талабаларни зериктирмайди: мудратиб, пинакка кетказиб қўймайди, ҳордиғини чиқаради.

Педагог ҳамиша сўзларга торлик, мазмунга кенглик зарурлигини унутмасин. У кўп ва теран фикрласа, оз гапиради; чунки оз сўзга кўп мазмун сингдиришга интилади. Баён этиладиган масаланинг мазмуни аввал пухта ўйлаб олинган бўлса, сўзлар беихтиёр қуйилиб келаверади. Шунда нотиқлик гўё фикр наққошлига бўлади.

Тил бойлига – тафаккур бойлигининг, тил қашшоқлиги - фикр қашшоклигининг ифодаси эканлигини қуйидаги мулоҳазалар тасдиклайди: агар педагогнинг нутқи ланж, суст, пойма-пой, нўноқ, мужмаи, қовушмаган бўлса, демак, унинг фикрлаш қобилияти ҳам шуқдайдир. Ҳар бир нотиқ ўз нутқида аниқлик, равшанлик, жозибадорликка эришмоғи зарур; бу эса воиздан сўзлашда қисқапик, лўндапик, ихчамликни тапаб этади. Тилдаги аниқ-равшанлик - тиниқ фикрнинг ташқи ифодаси, чунки шундай фикргина равшан сўзлашни таъминлайди. Сўзлашдаги ноаниклик, шубҳасиз, фикрдаги ноаникдикнинг белгисвдир.

Қайси педагог аниқ-равшан фикр қилса, уни худди шундай баён этади. Тилнинг, маънонинг аникдиги, ўткирлигига интилиш нотиқдик санъатини эгаллаш учун курашишдир; бу кураш қаичалик кескин, ўткир, амиқ йўлга солинган бўлса, нутқ шу қадар самарали бўлади. Сўзга жо бўлмайдиган ҳеч бир мазмун йўқ. Педагогнинг нутқидага сўзлар - фикрларининг ифодасидир, шу боис бу сўзлар ифода этилаётган фикрга мувофиқ бўлмаса, сўз ҳам мужмал, мавҳум бўлади. Моҳир нотиқдагина фикр равшанлиги ифода аникдига билан ҳамоҳанг бўлади.

Педагогларга тавсиямиз шуки, улар нимани гапириш ҳар доим ҳам зарур бўлавермаслигини ва қандай гапириш доимо лозимлигини унутмасинлар. Энг қимматли ғоя, фикр, дастур ҳам, агар маҳоратсиз ифодаланса, ўзининг қийматини йўқотади; мабодо такрорланаверса, тингловчини диққинафас

қилади. Демак, фикрнинг аникдиги ва равшанлиги ифоданинг ҳам шундай бўлишини таъминлайди.

Донолар талқинича, тил, сўз, нутқ равшанлига фикр, ҳатто тафаккурнинг шундай бўлиши оқибатидир; равшан фикр эса ўз шакли-ифодаси ҳам равшан бўлишини тақозо этади. Нотиқ нимани аниқ тасаввур этолмаса, уни чалкаш гапиради; ноаниқ ифода фақат шундай фикрнинг намоён бўлишидир.

Оддийгина, яъни ҳаммабоп, аниқ-равшан, осонгана тушуниб, эслаб қоладиган қилиб сўзлаётган нотиққа такдид этиш (эргашиш) аввалига жуда осондек туйилади; аммо аслида бундан қийинроқ иш йўқ. Педагог миясига аниқ фикр келса, у равшан сўзлаиди, аммо бу фикрни онгага сингдириб олса, янада равшанроқ гапиради.

Педагог фикридаги хатолар, ноаниқликлар нуткдаги хатоларни, улар эса, ўз навбатида, ишдаги, амалдаги хатоларни келтириб чиқаради, талабаларни чалғитади.

Педагог тилининг гўзаллиги, биринчи навбатда, унинг аниқлига ва мазмундорлигидадир. Оддийгина қилиб, равшан баён этиш мумкин бўлмаган ҳеч бир фикр, ғоя ёки таълимот йўқ. Бинобарин, аниқлик нутқнинг асосий фазилатидир. Педагогнинг тили, сўзи қанчалик оддий бўлса, шунчалик равшан бўлади; сўз қанчалик ўз ўрнида ишлатилса, нутқни шунчалик кучли, жозибали ва ишончли қилади.

Буюк акл соҳибларида оз сўз билан кўп маъно бериш хислати мавжуд бўлгани каби, "моҳир нотиқ, устаси фаранг педагог ҳам "оз сўзла-ю, соз сўзла", деган мақолга амал қилади. Маъқул сўзласанг, ҳеч қачон кўп сўзламайсан, агар узайиб кетса, энг яхши нутқ ҳам тингловчини чарчатади, деган ҳикматларга риоя қилиш энг яхши фазилатлардандир. Бундай нотиқлар – нотиқлик жавоҳирининг худди ўзгинаси: салмоғига қараб нур таратади. Улар асл донолик қисқа ифодаланади, деган қоидага бўйсунадилар.

Улуғ драматурглардан бири айтганидек, гап кам жойда унинг салмоғи кўп бўлади. Қисқа, лекин ифодали ибора бир бор эшитиб англанади, тингловчи хотирасида муҳрланиб, унинг шиорига айланади, узундан-узоқ мулоҳазаларда эса бундай бўлмайди.

Педагог фикрининг чуваланмаслига, аксинча, тингловчилар ҳузурида эркин парвоз қилиши учун гапда қисқалик лозим, чунки фикр ортиқча, "нишхўрт" сўзлар уюмида чалкашади. Педагог қанчалик моҳирона сўзламасин, керагидан ортнқ, яъни мавзуга тегишли бўлмаган гапларни айта бошласа, пировардида нутқ мантиғини йўқотади, тингловчилар мийиғида кула бошлайдилар.

Хуллас, нуткдаги аниқлик қисқалик билан уйғунлашганда таъсирчан, хотирада сакланувчан бўлади.

Ҳар бир педагог, хусусан олий ўқув юртининг раҳбари ўз нутқидаги йирик, махсус масалаларни баён этиб бўлгач, уларнинг ҳар бири бўйича, нутқ пировардида эса бутун нутқи бўйича қисқа, аниқ, равшан, иложи бўлса саналган тарзда хулосалар чиқариши шарт. Акс ҳолда, улар мантиқ фанининг тезис, мантиқий асос, ҳукм ва синтез, яъни умумлаштириш, хулоса чиқариш зарурлиги ҳақидаги талабини бузган бўладилар.

Агар ваъз, маъруза, суҳбатдан тегишли хулосалар чиқарилмаса, улар мантиқий ниҳоясига етмай қолади, тингловчиларда тугалланган, мукаммал фикр ҳосил бўлмайди. Бунинг устига, хулоса чиқармаслик нотиқнинг билими чала, ўзи укувсизлигидан ҳам далолат бериши мумкин.

Педагог саволларга жавоб беришда осон йўл танлаб, оддийгина *ҳа, йўқ, менга маьлум эмас,* деб қўя қолиши ношудлик аломатидир. Ҳар бир саволга чуқур ўйлаб, мазмунини аниқ билиб, унинг ортида нима мақсад ётганини, м)'холиф савол берган бўлса, нимага шама қилаётганини назарда тутиб, қониқарли жавоб бериш зарур. Тингловчилардан ҳар хил саволлар тушиши, савол пардаси ортида нотиқнинг бирор фикрига эътироз ёки синов бўлиши

мумкин. Шундай экан, нотиқ тушган ёзма ёки оғзаки саволга тўла жавоб бера олиши, ўз нутқида олға сурилган ҳар бир фикр, ғояни қаттиқ ишонч билан ҳимоя қила олиши шарт.

Мабодо, педагог бирор саволга шу тобда аниқ-равшан, тўлиқ жавоб бера олмаса, тахминан, "савол жуда ўринли, долзарб масалага бағишланган, мен жоним билан жавоб берар эдим, бироқ бу масалани чуқур ўйлаганим йўқ, уни ўрганиб, тегашли кишилар билан маслаҳатлашиб, кейин жавоб бсраман", деб қўя қолгани маъқул. Мужмал, ноаниқ жавоб бергавдан кўра, жавоб бера олмаслигини мардларча тан олган яхши. Агар савол маъруза, нутқ мавзуига кирмаса, буни ҳам очиқ айтиш мақбулдир.

Маърузани жонлантиришда баҳслашув, мулоқот, яъни бошқа бир шахснинг фикрини келтириб. унга зид ёки ундан фаркди фикрни келтириш ҳам яхши самара беради. Бу усул тингловчиларни фаоллаштиради.

Хуллас, нутқ маданиятию нотиқлик санъатининг ғоят муҳим таркибий қисми, педагогнинг масъулияти ва маҳоратини ифодалайдиган шартлардан бири – нутқдаги ҳар бир масаладан, унинг ниҳоясида эса бутун нутқдан қисқа, лўнда, аниқ хулосалар чиқариш; оғзаки ва ёзма саволларга қисқа, аник жавоб бериш; баҳслашишга тўғри келиб қолса, ўз мавқеи, нуқтаи назарини қаттиқ ишонч билан, астойдил ҳимоя қилишдан иборат.

“Ўқитувчи – нутқ маданияти” ва нотиқлик санъати тарихига мурожаат қилсак, бу маҳоратларда нотиқнинг билим доираси ҳал этувчи омиллардан бири бўлганига ишонч ҳосил қиламиз. Ўз нутқи объектини яхши билган, унинг моҳиятини пухта англаган, мавзуини чуқур фаҳмлаган воизнинг нутқи муайян салмоққа ва муқаррар самарага эга бўлади.

Педагог, олий ўқув юрти раҳбари нутқ сўзлаётганда мустаҳкам ишонч билан гапирса, сўзлар ҳам қуйилиб келаверади, тингловчиларни беихтиёр махлиё этади. Унинг фикри қанча теран бўлса, сўзлар ҳам шу қадар жарангдор, ишонарли бўлади. Чиройли гапиришдан кўра ўринли, ишонарли

гапириш маъкулроқ. Юракдан булокдек отилиб чиққан маънавият кучи эҳтирос билан қўшилса, педагогни нотиққа айлантиради. Билимдон нотиқ ўз фикрини қатъий ишонч билан, дангал айтади.

Нутқ сўзлаганда, маъруза ўқиётганда ортиқча сўзлар, кириш гаплар, писанданамо иборалар, шунингдек, гумонсираш, ишонч-сизлик, ҳадиксираш, эсанкираш, асабийлашиш, ғазабланишга асло йўл қўймаслик зарур.

Педагог, айниқса, маъруза қилаётган раҳбар ўз нутқи "қуруқ", ишонарсиз, юзаки бўлмаслигини истаса, ўтмиш (тарих)дан, ҳозирги аҳволдан, илм-фан, амалиётдан ишонарли далиллар келтириши керак.

Нутқ маданиятида мантиқ фанининг қоида ва талабларига риоя килиш ғоят муҳим.

Қайси бир педагог мантиқ фанидан бехабар бўлса, яъни чала-ярим фикр юритса, юзаки ва қисқа ўйласа, нуткида изчиллик бўлмайди. Фикр ва сўз, тафаккур ва тил мантиқан мувофиқ бўлиши шарт: баён этилмоқчи бўлган фикр, ғоя, педагогнинг кўрсатмаси, ва тавсияси уларни ифодалашга хизмат қиладиган сўзлар билан ўзаро уйғун, ҳамоҳанг, мутаносиб бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда дили бошқа-ю, тили бошқа қабилидаги номувофиклик, тескари мутаносиблик, ясамачилик рўй беради.

Педагогнинг, олий ўқув юрти раҳбарининг нутқида мантиқий урғунинг ҳам аҳамияти катта. У муайян жумладаги бирор сўз ёки иборани бўрттириб, уқтириб ифодалашга хизмат қилади. Ўзбек тилида мантиқий урғу одатда кесимдан олдинги сўз ёки иборага тушади.

Педагогнинг нутқи ёрқин, жозибали, таъсирли, жарангдор, тасвир (образ)ли бўлиши лозим. Нуткда жонлантирувчи жиҳатлар бўлмаса, у қуруқ, бадҳазм, зерикарли бўлади. Нутқнинг мазмуни қанчалик бой, чуқур бўлса, унинг шакли ҳам шунчалик ранг-баранг бўлиши унга муносиб жило, сайқал берилиши, бадиий бўёклар билан жозибали қилиниши, тасвирлар билан бойитиши даркор. Бунинг учун ҳикматли сўзлардан, макол, шеърий

парчалардан, ўткир иборалар, тасвир, қиёс ва ўхшатишлардан кенг кўламда, бироқ меъёрида фойдаланишни тавсия этамиз. Булар нутқнинг безаги, кўрки, сайқалидир. Нотиқ, шу билан бирга, сатира, юмор, истиора, мажозлардан ўз ўрнида, бадиий талаффуз билан, шоирона кўтаринки рухда ишлатса, унинг нутқи тингловчини ўзига мафтун этади, гапи "ширали" бўлади, нутқи қиёмига етади, тасанно ва офаринларга сазовор бўлади.

Хулоса шуки, маъруза илмий, ишонарли, мантиқан изчил, мазмунан бой, шаклан ранг-баранг бўлсагина, унга қўйиладиган энг асосий талабга жавоб бера олади.

Педагог нутқига қўйиладиган талаблардан бири шуки, нутқ матни бадиий жиҳатдан пухта, тили адабий, сўзлари жарангдор, жумлалари ёқимли, гаплари лўнда, лекин мазмуни чуқур, маъно теран бўлиши керак.

Педагог ўз талабаларини қизиқтириш, уларга бадиий озиқ бериш учун ўткир ибора, мақол, рубоий, ҳикматли сўз, ифодали тавсифлардан зеб берувчи воситалар сифатида фойдалансин.

Нутқ бадиий бўлиши лозим, деган тавсиядан у баландпарвоз, дабдабали гаплардан, ясама иборалардан, истеъмолдан чиққан сўзлардан иборат бўлса ҳам майли, деган хулоса келиб чиқмайди.

Педагогнинг иутқи равон бўлиши учун ҳар бир гапнинг сўзлари муайян тартибда жойлашиши зарур. Олдин гапнинг эгаси, сўнг унинг иккинчи даражали бўлаклари, охирида эса кесими айтилади.

Педагог сўзлаётган пайтида жумлаларнинг ўзаро мутаносиблигига, яъни нисбатдошлигага қатъий риоя қилиши лозим. Кетма-кет уюшиб келадиган жумлалар воситасида баён этиладиган ва мураккаб фикрни ифода этадиган қўшма гапларда бу қоидага риоя қилиш айниқса муҳимдир. Шунда гапларгина эмас, жумлалар ўртасида ҳам мантиқий боғланиш ҳосил бўлади. Бундай боғланишнинг бузилиши фикрни чигаллаштиради, баъзан унинг нутқини батамом барбод этади.

Нотиқлик санъатида педагогнинг талаффузи ҳам ғоят катта аҳамиятга эга. Бунга нутқни баён этиш оҳанги, тиним, мантиқий урғу, нутқ суръати, товушни создаш каби жиҳатлар киради.

Педагог сўзлаётганда овознинг гоҳ баланд, гоҳ паст бўлиб товланишига алоҳида эътибор бериши керак. Бусиз жумла қандай оҳангда, урғу, талаффузда айтилишига қараб турлича маънони англатиши мумкин. Масалан, профессор-ўқитувчи нутк сўзлаётганида талабаларга қараб "ўрнингиздан туринг", "ўтиринг" деган сўзларни ишлатиши мумкин. Булар қандай талаффузда этилишига қараб илтимос, ялиниш, истак маъноларини ҳам, буйруқ, дўқ-пўписа, талабни ҳам англатиши мумкин.

Педагог нутқ сўзлаётганда бу сўзларни дўқ-пўписа билан, танбеҳ берилаётган кишининг иззат-нафсини ерга урадиган тарзда талаффуз қилмаслиги керак.

Педагогнинг нутқи ифодали бўлмоғи лозим. Бунда эса нутқ интонацияси муҳим ўрин тутади. У оҳанг (мелодика), тиним (пауза), мантиқий урғу, нутқ суръати каби таркибий қисмлардан иборат.

Мелодика нотиқ овозининг баланд-паст бўлиб товланишидир. Бу товланиш спектрдаги етти хил рангнинг бир-бири билан уйғунлашган ҳолда жилоланиб, нур таратиб туришига ўхшайди. Шунинг учун нутқнинг ифодали, оҳанрабо, товушнинг ёқимли ва тиниқ, равон бўлиши кўп жиҳатдан мелодикага боғлиқ. У ҳар бир жумла маъноси ва мазмунини ҳис-туйғу воситасида намоён қилиб беради.

Педагог ўз нутқининг талаффузига, нутқ сўзлаш оҳангига муттасил ва қатъий талабчан бўлмога лозим. Биринчидан, унинг овози жарангдор, баланд, тоза, тиник, ёқимли, юмшоқ бўлиши зарур; иккинчидан, томоқни асраш; хасталикнинг, жумладан, шамоллашнинг олдини олиш лозим. Агар овоз бўғиқ, хириллайдиган, сўзлаганда йўталтирадиган бўлса, овоз пардаларини даволамагунча дам беришни, нутқ сўзламасликни тавсмя

этамиз.

Нуткдаги талаффузда паузанинг ҳам муайян ўрни ва аҳамияти бор. У нутқ жараёнидаги 1-2, ҳатто 3-4 сониялик тиним, яъни тўхталишдир.

Интонация мусиқийлик. ёқимли оҳанг, тиниш (пауза), суръат, мантиқий урғу каби бир неча таркибий қисмлардан иборат. Моҳирона танланган интонация нутқни жонли ва таъсирли, ишонарли ва жозибали, тиниқ ва равон қилади.

Нутқ сўзлаётган педагогда эҳтирос, кўтаринкилик, иймон, эътиқод, шижоат каби ўткир ҳис-туйғулар ҳам жамулжам бўлиши керак. Акс ҳолда, бир шоиримиз ёзганидек,

*Эҳтироссиз юракни демаслар юрак,*

*Эътицодсиз гояни демаслар керак,*

*Эзгулик ёр бўлган инсон орзуси*

*Доимо ушалган, ушалар бешак.*

Хулоса шуки, талаффуз тилнинг юрага (қалбн), у тилга биргина ҳис-туйғу эмас, балки ишонч, жозиба ҳам бахш этади. Нуткда сўзларнинг аниқ-равшан, оҳангдор ва жарангдор талаффуз этилиши лекцияни чинакамига гўзал, оҳанрабо, дилнавоз, оромбахш, ибратомуз қилад

**6 – мавзу.** *Ўқитувчи нутқининг аниқлиги. Фикрни аниқ ифодалаш. Ифодаламоқчи бўлган нарса ҳодисаларни яхши билиш лозимлиги.*

Аслини олганда, одамлар ўртасидаги ахборот алмашуви бўлиб, унинг асосий мақсади узатилаётган ва қабул қилинаетган ахборотнинг тушунарлил игини та ъминлашдир.

Бевосита (жонли мулоқот орқалм) ва билвосита (ахборот тарқатиш

воситадари орқалимумкин. Ҳозирги даврда оммавий ахборот воси-талари, хусусан, радио-телевиденне, интернет тармоғи орқали ҳар каидай маълумотни дарҳол, "совутмасдан" дунёнинг истаган бурчагига етказиш мумкин бўлган ҳолда нотиққа, яъяи одамлар билан бевосита мулоқотга киришувчи шахсга не эхтиеж? Нима учун ахборот тарқатиш воситалари ўта тараққий этган бу-гунги кунда қам нотиқликнинг, жонли нутқнинг аҳамияти йўқолмай, аксинча, ҳаетдаги ўрни ва мавқеи ортиб бормоқда?

Оғзаки нутқнивг кучи ва увинг бошқа мулоқот турларидан устунлиги бир қатор ўзига хос хусусиятлар билан белгиланади. Жумладан, нотиқ нутқида лисоний воситалардан ташқари энг нозик фикр ва туйғуларни ифода этиш имкониятини берувчи нутқ оҳанги, унинг ҳиссиёт билан омухта бўлиши, қўл ва тана ҳаракатлари, юз ифодаси (мимика) каби нолисоний воситалардан фойдаланиши ҳамда конкрет аудитория (тингловчи) хусусиятларини ҳисобга олиши билан таъсирчан қилишга, тўғри тушунишга ердам беради. Бошқа сўзлар билан айтганда, ҳар қандай жонли мулоқот тил, ҳаракат, мимика, оҳанг ва яна бир қатор омилларнинг ҳаракатчан ва рангдор омухтасидир.

Нотиқ учун энг муҳим ва унинг маҳоратини намоён этувчи хусусият тиигловчилар билан мулоқот ўрната олишдир. Албатта, нутқнинг илмий-назарий мазмундорлиги, амалий натижаларга қаратилганлиги катта аҳамиятга эга. Аммо нотиқ гапларига қулоқ солмшмаса, аудитория нутқ сўзланаётган пайтда ўз хаёли ёки ишлари билан банд бўлса, бошқа сўзлар билан айт-ганда, нутқ аудитория диққатини жалб этмаса, у мутлақо самарасиз бўлади.

Француз тилшуноси П.Буаст: "Гапираетган одам экади, эшитаётган одам ҳосил йиғади", – деган эди. Демак, нотиқ сўзлаган нутқидан ҳосил олмоқни истар экан, конкрет тингловчиларнинг онги ва қалбига йўл топмоғи, жонли қизиқишини уйғотишга, фикрлашга туртки бериши, ҳис-туйғуларига таъсир ўтказиб, уларни жунбушга келтириши лозим. Бунга фақат аудитория (тингловчи) билан мулоқот ўрнатилган тақдирдагина эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам ўтмишдаги барча машҳур нотиқлар айни шу масалага

алоҳида диққатларини қаратиб келишган.

Нотиқ аудитория билан самарали мулоқот ўрнатиши бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб, нутқ сўзлашашга жазм қилган киши улар ҳақида тасаввурга эга бўлиши ва улар билан боғлиқ қонун-қоидаларга риоя этиши керак.

Ҳар қандай ўқитувчн (муаллим) ҳам нотиқ, зеро, пегогаг фаолияти ўз шогирдларига нутқ билан мурожаат этишдан иборат. Ўқитувчи аудиторияга кирар экан, касби билан боғлиқ маълум мақсадга эришиш, ўз хоҳиш-истакларини рўёбга чиқаришга интилади. Албатта, нутқ сўзлар экан у, аввало, талабаларга у ёки бу билимни, яъни ахборотии беришга интилади. Лекин, маълумки, ҳар қандай нутқий мулоқот у ёки бу маънода ахборотни узатиш билан боғлиқ. Ўқитувчи маъруза ўқишдан кўзлаган мақсадининг ўзига хослиги нимада? Ўзида бор билимлар билан ўртоқлашиш истагининг пайдо бўлишига нима туртки беради? Умумий тарзда уларни қуйидагича белгилаш мумкин: аввало, ўзгалардан ўз ҳамфикрларини тайёрлаш. Интеллектуал ҳамфикрлар талабалар аудиториясида ёки олайлик илмий анжуманларда шаклланади ва профессор-ўқитувчи бу жойларда маъруза ўқиб маълум масала юзасидан ўз нуқтаи назарини баён этар экан, талабалар ёки ҳамкасбларни ўз фикрларига шерик қилшига интилади. Бундан ташқари ўқитувчи-олим касбининг асосини ақлий, жумладан, илмий фаолият ташкил этади. Яъни профессор-ўқитувчи, аввало, тадқиқотчи, педагогик фаолият эса унинг илмий фаолиятининг ўзига хос давомидир. Ақлий фаолият билан доим машғул бўлган киши эса доимо интеллектуал қониқмаслик ҳолатида бўлади. Бу табиий ҳол, зеро, инсон фикрларининг тўғри эканлигидан шубҳаланган тақдирдагина фикрлайди. Ўз фикр ва ғояларини ҳақиқат дея қабул қилган ва шубҳадан тўхтаган киши фикрлашдан ҳам тўхтайди. Шунинг учун касби фикрлаш бўлган ўқитувчи учун қадим файласуфлардан бирининг "мен шубҳаланаяпман, демак, мен яшаяпман", – деган сўзлари ўзига хос ақида вазифасини ўтайди.

Муаллим ўз билимларини ёшларга узатиб, уларнинг тимсолида ҳаётини узайтиргандек бўлади, олим ўз шогирдлари тимсолида ўз руҳини келажакка кўчирса, маслакдош ҳамкасблари орқали ўз маконини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Худди шундай сиёсий арбоб ёки раҳбар ўз ғоя ва фикрларини ҳаётга тадбиқ этиш, ўз ишларини давом эттирадиган маслакдошларни шакллантириш орқали ҳаётда из қолдириб, келажакка ошно бўлишга интилади. Демак, ҳамфикр, маслакдошларни шакллантириш ҳар бир инсонга ўз маънавий, интеллектуал ҳаётининг муддатини узайтириш учун керак.

Касбий нутқ мақсад йўналишлари ҳусусида гап борар экан, унинг яна бир муҳим жиҳати эътиборга лойиқ. Маълумки, нутқ орқали инсон ўзи учун зарур бўлган обрў-эътибор қозонади, ижтимоий мавқеини оширади.

Нутқий мулоқотга киритишган кишинннг мақсадлари доирасини умумлашган ҳолда қуйидагилар билан белгилаш мумкин: 1) ўзга(лар)га, муайян жамоага ўз ғоя ва фикрларини етказиш орқали ҳамфикрлар доирасини кенгайтириш, 2) маънавий (руҳий) ҳаётини узайтириш орқали ҳаётда из қолдириш; 3) ҳукмронликка бўлган интилишни амалга ошириш, 4) шартномага асосан ўз хизмат доирасида муайян (сиёсий, иқтисодий, молиявий) масалани ҳал этиш; 5) эътибор қозониш, 6) жамиятда тутган баланд мавқени сақлаб қолиш ва ҳ.к.

Албатта, нотиқ (нутқий мулоқотга киришган киши) турли ҳолат ва вазиятларда турли мақсадларни ўз олдига қўяди. Аммо мақсадлар доираси каби нутқ орқали амалга оширмоқчи бўлган, ўз олдига қўйган ва ҳал этмоқчи бўлган масаладир. Бу масалани қай даражада ҳал этилиши унинг нотиқлик маҳоратига боглиқ. Нотиқ маҳорати эса аудитория (суҳбатдош)га қараб кўтарилган масала ва қўйилган мақсадга мувофиқ шакл ва усулларни танлай олиш қобилияти билан белгиланади.

**7 – мавзу.** *Ўқитувчи нутқининг мантиқийлиги. Нутқда фикрнинг изчиллигини таъминлаш. Бошқа мезонлар билан боғлиқлиги.*

Аудитория (суҳбатдош) билан руҳий, ҳиссий, ақлий мулоқот ўрнатишнинг бир қатор усуллари мавжуд. Бунинг учун биринчи навбатда мулоқот ўрнатишга ҳалақит қилувчи тўсиқларни бартараф этиш лозим. Муҳими – тингловчи(лар) билан мулоқот қилиш истаги. Нотиқлик санъатининг биринчи (асосий) қоидасига биноан нотиқ фақат ўзига маъқул, ўзи ҳурмат қилган кишиларгагина мурожаат этиши керак. Бошқа сўз билан айтгаяда, сизда ёмон туйғударни уйғотадиган киши нутқингизнинг объекти бўла олмайди. Бу жуда қаттиқ қоида бўлса-да, унга риоя этиш шарт. Бунинг сабабини қуйидагича мфодалаш мумкин. Юқорида кўргадимиздек, ҳар қандай нутқ маълум мақсадга йўналтирилган бўлади. Энг оддий, тингловчига нисбатан ногиқ туйган ҳисларга алоқаси бўлмаган мақсадни олайлик. Масалан, ўқитувчи муайян мавзуда маъруза ўқиб, кўтарилган масаланинг муҳимлигини ва унга алоҳида эътибор қилиш зарурлигини укдирмоқчи. Бу – нейтрал, тингловчи(лар)га муносабат билан боғлиқ бўлмаган мақсад. Аммо реал матн уни сўзлаётган пайтда нотиқда мавжуд бўлган бир қатор мақсадларни ўзида жамлайди. Уларнинг айримларини нотиқ идрок этади, айримлари эса унинг онг остида яширин бўлиб, бевосита англанмаган ҳолда нутқ жараёнида тингловчига аён бўлади. Ҳиссиёт билан боғлиқ бўлган ва бевосита англанмаган, яширин мақсад нотиқни ўзи билмаган ҳолда "сотиб" қўяди. Бу борада Ф.Ницше шундай деган эди: "Киши истаганча оғизда ёлғон сўзлаши мумкин, аммо унинг кўзлари ҳақиқатни рўй-рост аён қилиб қўяди". Нотиқнинг барча ички туйғулари унинг иродаси, хоҳиш-истагидан қатъи назар кўринади ва эшитилади. Нутқ жараёнида уларни яширишнинг иложи йўқ. Зеро "кишининг аҳволи ўз сўзининг остида пинҳондур" (Кайковус). Истагидан қатъи назар, нотиқнинг гапириш оҳангидан, новербал ҳаракатлар *(қўл ва тана ҳаракати, мимика, юз ифодаси, кўз қараши ва ҳ.к.)*дан тингловчи ўзига бўлган

муносабатни англайди. Сухандонлик нутқнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги фандир. Шу нуқтаи назардан, киши ўзи учун ёқимсиз бўлган одамга мурожаат эт-маганм маъқул, чунки бундай вазиятда нутқ нотиқ мақсадини рўёбга чиқариш ўрнига бутунлай тескари натижа бериши мумкин, ҳатто нотиқнинг мақсади тиигловчи учун фойдали бўлса ҳам. Чунки хайрли ва фойдали ишга даъват этиб нотиқ узоқ гапириши мумкин, аммо зийрак тингловчи уни тинглаб фақат бир нарсани тушуниб етади – сўзловчи уни ёмон кўради. "Хайр муяссар гар эмас эл била, Наф текурмак ҳам ўлур гил била", – дейди бу борада ҳазрат Навоий. Албатта, киши ўзи суймаган одамга мурожаат этишга мажбур бўладиган ҳолатлар бўлади. Масалан, иш жараёнида ёки маъмурий ҳолатларда одам ўзи ёқтирматан раҳбарга ёки ходммга мурожаат этмаслигининг иложи йўқ. Аммо имкон қадар бундай ҳолатларни камайтиришга ҳаракат қилиш керак.

Ёқтирмаган одамга нутқ билан мурожаат этмаслик кераклигининг бошқа, маънавий жмҳати ҳам мавжуд. Яъни нотиқ ўз нутқини эзгуликка йўналтирмоғи, тингловчида эзгу туйғуларни уйғотмоғи керак. Буни аввало сўз орқали мурожаат қилинган инсонга нисбатан ҳурмат билан муносабатда Пўлиш заруратга айлантиради Қуръони Каримда инсоннинг ер юзида халифа қилиб яратилганлиги зикр этилади. Шундай экан, суҳбатдошга Аллоҳнинг ер юзидаги вакили меҳр кўрсатиши даркор "Ўзингга эп билмаган нарсани, бировга раво кўрмагин", – дейди халқимиз. Шундай экан, сўзлаётган киши, ўзгага омонлик келтирмасликни ўйлаши, ҳар гапни андиша билан сўзлаши керак. Аммо ана шу андишага кўп ҳолларда эътибор қилинмайди.

Масалан, айрим одамлар мулоҳаза қилмасдан "яхши ният"да дўсти, ҳурмат қилган кишисига бирон-бир хабарни етказади, унинг шахсий ҳаётига аралашади. Бир аел ўз дугонасига: "Менинг эрим уйим, оилам деб эртаю кеч тинмайди, ярим тунгача ишлайди", -дея турмуш ўртоғини мақтайди. Ҳақиқий ҳамдард дугонаси yiira хайрихоҳлигини, такдирига бефарқ эмаслигини намойиш этиб: "Хой, ўртоқ, кўзингни оч, куни-кеча эрингнм фалон аёл билан

кўрган эдим", – дейди Бундай хайрихоҳликнинг натижаси аён. Ким бундай ёки бунга ўхшаш ҳолатни бошидан кечирмаган ёки эшитмаган? Бу каби ҳолатлар нотиқликнинг иккинчи қоидасига зид. Нохуш оқибатларга олиб келувчи ҳолатларнииг олдини олишнинг оддий усули бор – киши бошқа одамга нутқ билан мурожаат этар экан, ўзини тингловчи ўрнига қўйиб, "мен бундай гапни эшитишни хоҳлармидим?" – деган савол устида бироз ўйласа бас. Бу борада Кайковус юқорида келтирилганидек, сўзнинг тўрт турини ажратади ва шундай ўгит беради: **"Аммо айтилмайтурғон ва билинмай турғон ундоқ сўздурки... дунёнинг салоҳи унга боғлиқдур. Ул сўздин айтгувчига ҳам, эшитгувчига ҳам кўп наф етар. Аммо билинатурғон, бироқ айтилмайтурғон ундоқ сўздур-ким, бир муҳташам одамнинг айби сенга маълум бўлур. Лекин ақл тариқидин хаёлга келсанг, уни айтмоқ бешармликдур. Чунки айтсанг, ул муҳташамнинг қаҳри ё у дўстнинг озори сенда ҳосил бўлур, ёхуд ўз бошингга улуғ шўриш ва ғавғо пайдо қилурсан. Шул важдон ҳам бул сўз билинатурғон, аммо айтилмайту-рғон сўздур. Бу гўзларнинг ахшироғи ҳам билинатур-ғон ва ҳам айтилмайтурғон сўздур".**

Юқорида зикр этилган нотиқликнинг икки қоидаси нутқий мулоқотнинг маънавий жиҳати билан боғлиқ ва тингловчи(лар) билан мулоқот ўрнатиш, нотиқ ўз олдига қўйган мақсадга эришишнинг дастлабки муҳим шартларидир. Тингловчилар айтилган сўаларни қабул қилишлари учун нотиқ уларда шахсни кўриши, уларга нисбатан ҳурмати, эзгу ниятини кўрсатиши керак, шундагина уларнинг қалбида мувофиқ жавоб ҳислар уйғотиш мумкин.

Тингловчи(лар) билан дастлабки алоқани ўрнатиш бутун мулоқот жараёнининг самарадорлигини ва кейинги кечувини белгилайди. Шунинг учун нутқнинг муваффақияти кўп жиҳатдан гингловчи(лар) ва нотиқ ўртасида табиий равишда вужудга келадиган ва му-лоқот ўрнатишга ҳалақит берувчи тўсиқларни барта-раф этишга боғлиқ Нутқмй мулоқот жараенида тингловчи нутқнинг объекти сифатида намоен бўлади ва **"сўзловчи – тингловчи"**

жуфтлигида тингловчи ҳолати устуворликка эга "Тингловчи албатта ё оддий томошабин ёки судья бўлади", – деган эди бу борада юнон файласуфи Аристотель.

Нотиқ ҳисобга олигии керак бўлган тингловчи(лар) ҳолатининг икки асосий жиҳати мавжуд руҳий-психологик ва физиологик.

Дастлаб нутқий мулоқотвинг руҳий-психологик жиҳати билан боғлиқ тўсиқларни кўриб чиқайлик. Психологларнинг таърифи бўйича мулоқот нотиқ ва тингловчи(лар) ўртасидаги умумий руҳий холатдир. Сўзловчи ва тингловчи(лар) ўртасида салбий туйғу-тўсиқлар пайдо бўлишининг олдини олиш учун, ав-вало, тингловчи(лар) билан руҳий-ҳиссий мулоқот ўрнатишга ҳаракат қилиш керак. Бунда нотиқ тингловчи(лар)га етказмоқчи бўлган фикр (ахборот), яъни нутқ мазмуни бирламчи аҳамият касб этади. Нотиқ муваффақиятининг бош мезояи тингловчилар олдида сўзлаш эмас, балки улар билан гаплашиш, уларнинг тилида сўзлашишдир, чунки одамлар билан фақат уларни қизиқтирган, уларнинг дардига айланган масалалар доирасида гаплашиш мумкиет Бунинг учун нотиқ тингловчиларни, нутқ сўзланадиган муҳитни олдхшдан ўрганиши ва уларга мувофиқ нутқ мазмуниии белгмлаши зарур. Кшлп, маса-лан, халқ ноибларининг маҳаллий кенгашига сай-ланмоқчи ва бунинг учун, иложи борпча кўггроқ одам унга овоз беришига интиляпти. Ана шу мақсадга эришиш сайловчмлар билан учрашувда сўзлайдиган у нутқнинг мазмуви билан боғлиқ. "Мен – жамоа учун фойдалиман. Менга овоз бермб, одамлар лхши-роқ яшаш имкониятига эга бўладилар," – деган фикрни шакллантиради ва бу фикрни турли гуруҳдага гайловчиларга исботлашга ҳаракат қилади. Сайловолди дастури аслини олганда ана шу фикрни исботлашга қаратилган далиллар жамламасидир. Айтайлик, депутатликка номзод ўқув юртигл бериб, ўз дастурининг тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларга бағишланган қисминм баён этди Аммо талаба ва ўқитувчилардан иборат тингловчилар учун тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг фаолиятини эркинлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ва шу

кабилар қизиқ эмас уларнинг хоҳиш-истаги, интилишлари, муаммоларига бу масалаларнинг бевосита алоқаси йўк. Шунинг учун нотиқ учун буткул фойдасизга чиқади ва ҳеч қандай самара бермайди. Тадбиркорлар олдида таълим муаммолари ҳақида гапирса ҳам нотиқ худди шундай муваффақиятсизликка учрайди. Бунндай ҳолатларшшг олдини олиш чораси оддий (гарчи бу чорани амалга ошириш мураккаб ва нотиқдан катта билим ва тажрибани талаб этади), энг муҳими – тингловчиларнинг қизиқишлари, дардларини билган ҳолда уларнинг "дил тиллари"да сўзлашиш. Инглиз файласуфи Б.Спиноза тили билан айтганда, нотиқ "кулиши, йиғлаши ва нафратланиши эмас, тушунмоғи даркор" Ана шунда нотиқ аудитория билан руҳий-ҳиссий мулоқот ўрнатмш им кониятига эга бўлади. Бундай мулоқот ўрнатишнинг шакллари кўп. Масалан, нутқ олдидан аввал рўй берган ва тингловчилар кайфиятига таъсир қилган ҳодисага бир оғиз муносабат билдириш ёки қизиқарли воқеани ҳикоя қилиб, уларнинг кайфиятини кўтариш мумкин ва ҳ.к. Албатта, аудиториянинг тинглашга мойиллигини уйғотиш учун қандай шаклни танлаш конкрет вазиятга боғлиқ. Ҳар ҳолда аудитория учун тушунарли ва унда муайян туйғуларни уйғота оладиган фикрни асослаш осонроқ.

Тингловчилар билан мулоқот ўряатишда муайян роль ўйнайдиган руҳий субъектив фактлардан яна бири – тараддуд, бошқа сўзлар билан айтгапда тингловчи(лар)нинг нимани ва кимдан эшшишга ички тайёргарлигидир. Тингловчи(лар) нотиқ шахсига – унинг лавозими, илмий даражаси, шахсий сифатлари, жамиятда тутган мавқеи ва шу кабмларга қараб унинг нутқи, илгари сурган фикрларини қабул қилишга ёки инкор этишга олдиндан мойил бўладилар. Шу жиҳатдан нутқга биринчи навбатда нотиқ шахсининг бетакрорлиги, ўзига хослигининг ёрқин ифодаси си фатида ёндошмоқ лозим.

**8 – мавзу.** *Ўқитувчи нутқининг софлиги. Ноадабий қатламлардан, яъни шевалардан, варваризмлардан, жаргонлардан, ортиқча сўзлардан нутқни холи қилиш.*

Нутқ турлари кўп. Хусусан, уларни бир марталик ва давомий турларга бўлиш мумкин. Аристотель ўз навбатида бир марталик нутқларни маслаҳат (келажакка оид), суд (ўтмишга оид) ва ифодавий (ўтмиш ва келажак ўртасидаги боғланиш ҳақидаги) турларга бўлади. Булар қаторига яна диалогга асосланган нутқ турлари (суҳбат, баҳс, мунозара ва ҳ.к.)ни киритиш мумкин. Давомий нутқлар нотиқнинг бир аудитория олдида бир йўналишдаги мавзуда кўп маротаба чиқиши билан боғлиқ бўлиб, таълим-тарбия йўнал ишидаги нутқларни, диний мавзудаги ваъзларни қамда тарғибот-ташвиқотни ўз ичига олади.

Ҳар бир нутқ тури ўзига хос асосий мақсад-йўналишига эга. Хусусан, бир марталик нутқларнинг асосий мақсади тингловчиларга таъсир ўтказиш орқали нутқни "ютиб чиқиш"дир. Бу ҳақда Аристотелъ шундай ёзган эди: "Риториканинг уч тури мавжуд, чунки тингловчилар ҳам шунча турда бўлади. Нутқ уч унсурдан ташкил топади: нотиқнинг ўзи, нутқнинг предмети ва у мурожаат этаётган киши; айни у (мен тингловчини назарда тутаяпман) барча ишнинг охир мақсадидадир. Тингловчи, албатта ё оддий томошабин ёки судья бўлади, бунда ё бўлиб ўтган нарсанинг ёки бўлиши мумкин ишнинг судьяси сифатида намоён бўлади. Шундай экан, табиий равишда риторик нутқнинг уч тури бўлади: маслаҳат нутқи, суд нутқи ва эпидейктик нутқ... Бу нутқ турларининг мақсадлари турлича ва нутқнинг уч тури бор экан, бир-биридан фарқланадиган уч мақсад ҳам мавжуд: маслаҳат бераётган одамда мақсад – фойда ва зиён бир киши маслаҳати орқали эзгуликка даъват этади, бошқаси ёмон нарсадан асранишни кўзлаб, бу йўлдан бормасликка чақиради. Қолган фикрлар, масалан, адолат ва адолатсизлик гўзаллик ва номаъқуллик – бунда иккинчи ўринда.

Даъволашаётганлар учун адолат ва адолатсизлик мақсад вазифасини ўтайди, бироқ улар ҳам бунга бошқа фикр-мақсадларини қўшадилар.

Мақтов ёки қоралов нутқини сўзловчи учун гўзаллик ва шармандалик мақсад вазифасини ўтайди, аммо бунта ҳам бошқа мулоҳазадар қўшилади.

Шундай қилиб, бир марталик нутқ асосан айни у сўзланган вақтда ва шароитда ва улар билан боғлиқ муайян мақсадга қаратилган бўлади. Ундан фарқли ўлароқ давомий нутқдан кўзланган мақсад – келажак учун ўзгаларнинг ишончи ва ҳурматини қозонишдан иборат.

Ҳар бир нутқ тури ва уларнинг таркибига кирувчи нутқ кўринишлари нотиқликнинг алоҳида жанрини ташкил этади. Шундай экан, ҳар бир жанр, унинг табиати билан белгиланадиган асосий мақсад йўналишларгаа ва муайян таъсирчанлик доирасига эга.

Нотиқнинг муваффақияти кўп жиҳатдан аввалбошдан тингловчилар қалбига йўл топиш, улар билан алоқа ўрнатишга боғлиқ. Зеро, мулоқот жараёни, биринчи навблтда одамлар ўртасида ахборот алмашинишдан иборат бўлиб. ундан кўзланган мақсад узатилаётган ва қабул қилинаётган ахборотнинг тушунарлилигини таъминлашдир. Бунинг учун эса нотиқ ва тингловчи(лар) ёки суҳбатдошлар бир-бирини ҳамкор сифатида қабул қилиши ва шу асосда ўзаро тушуниш муҳитини яратиш лозим.

## **9 – мавзу.** *Ўқитувчи нутқининг қисқали ва ихчамлиги. “Чин сўз – мўътабар, яхши сўз – мухтасар”. Қисқа жумлаларга катта мазмунни жо этиш. Халқ мақоллари, маталлари, ҳикматли сўзлар, қўшиқ матнлари, қисқалик ва ихчамликнинг намунаси эканлиги.*

Нутқ маданиятининг яна бир мезони ихчамлик ва қисқаликдир. Чунки содда ва қисқа нутқ тингловчини зериктирмайди. Айтилаётган воқеа

ҳодисалар аниқ, тўғри, мантиқий, соф ва равон баён этилиши ҳам зарур. Катта мазмунни қисқа жумлага жо этиш ҳам сўзловчидан улкан маҳорат талаб қилади. Машҳур сўз заргарлари даражасига эришган шоиру адиблар шундай маҳорат соҳиблари бўлганлар.

Кишиларнинг ўзаро алоқа куроли бўлган тил анчагина қадимий тарихига эга бўлгани учун сўзловчиларнинг бу тилга муносабати ҳам кўҳна ҳодисалар жумласига киради. Чунки тил кишиларга доимо ўзаро алоқа, муносабат, маданий – маънавий заруриятт, жамоа бўлиб бирлашиш, курашиш қуроли бўлиб хизмат қилган. Шу сабабли суҳбатдошлар (оилада, жамоада, расмий доираларда) нутқнинг бир – бири учун тушунарли бўлиши, керакли ўринларда эса нутқнинг ўткир, таъсирчан, мақсадга мувофиқ бўлиши объектив зарурият ҳисобланган. Бунга эришиш учун қадимий даврларда ҳам кишилар шубҳасиз, тилнинг кўпчилик учун тушунарли бўлган ва ўзаро суҳбат учун норма тусига кирган воситаларини тўғри танлаш ва тўғри қўллаш қоидаларига амал қилишган. Табиий равишда, объектив эҳтиёж туфайли кишиларда тилга муносабатнинг муайян нормалари, муайян тил жамоаси амал қилишга одатлана борган кўникмалар, қоидалар юзага кела бошлаган. Бундай одат ва кўникмаларнинг икки муҳим томон билан алоқадор бўлганлиги ҳам шубҳасиз: биринчидан, тилдаги табиий ва аслида мавжуд имкониятларни эгаллаш, ундан ўринли фойдаланишга интилиш; иккинчидан, сўзловчиларнинг муайян нутқий талаблар, нормаларга амал қилиши.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида “Эрдам боши тил”, яъни одобнинг боши тил дейилган мақол келтирилган[2]. Ушбу мақол ўтмиш даврларда туркий халқлар нутқ маданияти борасида амал қилган етакчи омил – инсон одобининг (ахлоқининг) бошланиши тилда (нутқда) кўринади, дейилган доно мазмунни ажойиб тарзда ифодалаган. Нутқ одоби борасида қадимий туркий халқлар, жумладан ўзбеклар амал қилган асосий

[2] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк, I том. – Тошкент, 1960, 138 – бет.

қонун – қоидалар, расм – русмлар ва жамоа нормалар қадимий туркий тил, эски ўзбек тилида ёзилган баъзи ёзма обидаларда яхши сақланиб қолган. Масалан, “Қобуснома” асарида, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳиббатул ҳақойиқ”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Кутадғу билик” асарларида буни ёрқин кўриш мумкин. Ўзбек шоири Алишер Навоийнинг тил ва нутқ, нутқ одоби, нутқий маданият, нутқ санъати ҳақида айтган фикрларида қадимий туркий халқларнинг нутқ маданияти фикрларида қадимий туркий халқларнинг нутқ маданияти борасидаги бой ва ноёб мероси маҳорат билан умумлаштирилган.[3]

Нутқ одобининг қайд қилинган маданий – ахлоқий талаб ва асослари нутқ нормалари сифатида қадимий даврлардан бери авлоддан – авлодга ўтиб келган. Ушбу нутқий нормаларнинг сақланиши, ўзлаштирилиши ва яшаб келишида оилавий анъаналар, бир тил жамоаси доирасида амал қилинган анъанвий қоидалар, суҳбатдошлар (сўзловчи ва тингловчилар)нинг бирбирини ўзаро назорат қилиши, таълим тарбия , ўгит – насиҳат жараёни, шунингдек нутқий одоб нормалари ҳақида ёзилган адабиётларни мутолаа қилиш асосий ўрин тутган.

## Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Тингловчилар билан мулоқот ўрнатиш усуллари.
2. Нотиқ ва тингловчи ўртасидаги мулоқотни ташкил этиш йўллари
3. Нотиқ шахси ва нутқ таъсирчанлиги.
4. Нотиқликнинг нолисоний воситалари
5. Нотиқликда хатти-харакат ва имо-ишоралар
6. Нотиқ нутқида мантиқ.
7. Одамларга ёқиш ва улар эътиборини қозониш қоидалари.

[3] Самадов Қ. Алишер Навоий нутқ маданияти ҳақида // 1962, №1, 19 – 22 –бетлар; Умурқулов Б. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий нутқ маданияти ҳақида // 1981, №2, 26-бет.

## Мавзуга оид тест саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қачон қабул қилинди?

а) 1989 йил, 21 октябрь;

б) 1993 йил, 29 сентябрь;

в) 1994 йил, 15 ноябрь;

г) 1995 йил, 24 август.

2. Нутқнинг услубий турлари:

а) расмий ва норасмий;

б) ёзма ва оғзаки;

в) илмий, расмий-идоравий, бадиий, сиёсий, публицистик.

3. Ибора берилган қаторни аниқланг.

а) Ит боланинг бармоғини тишлаб олибди;

б) Отахоннинг авайлаб олиб кетаётган тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди;

в) Хабарни эшитиб, тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди;

г) Қизча ойисининг этагидан ушлаб борар эди.

4. Пўстагини қоқмоқ иборасининг синонимини белгиланг.

а) қаттиқ жазоламоқ;

б) аёвсиз тинқид қилмоқ;

в) озор етказмоқ;

г) талабчан бўлмоқ.

5. Сўзнинг ўз маъносидан кўчиши қайси услубда учрайди?

а) расмий, илмий;

б) публицистик, илмий;

в) бадиий, сўзлашув;

г) расмий публицистик.

6. Келтирилган матннинг услубини топинг. Ойижон, ойижон, бошгинам оғрийди-ё (қўшиқдан).

а) бадиий;

б) расмий-идоравий;

в) илмий;

г) публицистик.

7. Бадиий услубга хос гапни аниқланг.

а) Сен менга: «Овқатинг ундоғ, овқатинг мундоғ» деган гапни қилаверма;

б) Стаканларнинг икковида ҳам рангли эритма бор;

в) Маълумотнома туман ҳокимиятига кўрсатилсин;

г) Бутун осмонни булутларнинг оғир, қалин, қорамтир намати қоплаган.

Қуйидаги синонимлардан расмий услубга тегишли сўзни белгиланг?

а) озод қилинмоқ;

б) тушмоқ;

в) олинмоқ;

г) кетмоқ;

8. Қуйидаги гаплардан илмий услубга тегишлисини белгиланг.

а) Қани энди, барча ҳам сенга ўхшаса;

б) Қайин шамол дарахт япроқларини аста тортқилайди;

в) Мушфиқ онанинг ҳасратлари бир дунё эди;

г) Ёнишнинг ташқи белгиси иссиқлик ва ёруғлик чиқишидир.

9. Нутқ маданиятига тўлиқ таъриф берилган қаторни аниқланг.

а) луғавий меъёрларга риоя қилиш;

б) мантиқий изчиллика ва адабий тил меъёрларига риоя қилинган ҳолда тўғри аниқ ва ёқимли сўзлаш;

в) тўғри талаффуз меъёрларига риоя қилиш;

г) ёқимли сўзлаш.

10. Қуйидаги сўзларнинг қайси бири фақат бадиий услубга хос?

а) каби;

б) янглиғ;

в) мисоли;

г) сингари.

11. Нутқ маданияти учун нима муҳим?

а) мазмунга мос зарур сўзни танлай олиш;

б) бир сўзни ўринсиз такрорламаслик;

в) услуб бирлигини сақлаш;

г) барча жавоблар тўғри.

12. Образлар, образли тасвирлар билан эмас, аниқ маълумотларнинг холис, умумлашган хусусиятларини таърифлаш, тушунчаларга мос келадиган

атамалар билан иш кўрадиган услубдир. Ушбу таъриф қайси услубга мос келади?

а) бадиий услубга;

б) илмий услубга;

в) расмий-идоравий услубга;

г) публицистик услубга.

13. Илмий услубга хос асосий белгилардан бири нотўғри баён қилинган қаторни белгиланг.

а) матнларда ҳар бир фаннинг ўзига хос атамалари қўлланади;

б) тилнинг тасвирий-таъсирий воситалари ишлатилмайди;

в) шартли белгилар қўлланмайди;

г) матн монологик нутқ тарзда бўлиб, диалоглар бўлмайди.

14. Расмий услубда кўпинча қандай гаплардан фойдаланилади?

а) дарак, буйруқ ва ҳис-ҳаяжон гаплардан;

б) асосан буйруқ гаплардан;

в) асосан буйруқ ва ҳис-ҳаяжон гаплардан;

г) асосан дарак ва буйруқ гаплардан.

15. Қуйидаги матн қайси услубга хос? 17-модда. Фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати. Барча фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади. Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати туғилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди.

а) бадиий услубга;

б) расмий услубга;

в) публицистик услубга;

г) сўзлашув услубига.

16. Қуйидаги матн қайси услуб намунаси ҳисобланади? Ёмғир-суюқ томчи холидаги атмосфера ёғини. Томчининг диаметри 0,5-0,6 мм бўлади. Ёмғир икки хилдир: жала ёмғир, шивалама ёмғир. Шивалама ёмғирнинг ёғиш миқдори - интенсивлиги соатига 0,25 мм гача, жала ёмғирники эса 100 мм гача бўлиши мумкин.

а) расмий услуб;

б) оммабоп услуб;

в) илмий услуб;

г) бадиий услуб.

17. Қайси услуб турида тилнинг тасвирий-таъсирий воситалари ёрдами билан образлар воситасида кишига эстетик таъсир кўрсатилади?

а) публицистик услубда;

б) бадиий услубда;

в) илмий услубда;

г) расмий услубда.

18. Асосан қандай услубда сўзлар кўчма маънода қўлланмайди?

а) бадиий услубда;

б) расмий иш услубда;

в) сўзлашув услубида;

г) публицистик услубда.

19. Бир синонимик қаторга мансуб қуйидаги сўзларнинг ижобий маънога эгасини белгиланг.

а) чеҳра;

б) афт;

в) башара;

г) турқ.

20. Қайси услуб китобхонга маълумот берибгина қолмай, таъсир ҳам кўрсатади?

а) бадиий услуб;

б) илмий услуб;

в) сўзлашув услуби;

г) расмий услуб.

21. Имо-ишора қайси услубга хос?

а) бадиий услубга;

б) илмий услубга;

в) публицистик услубга;

г) сўзлашув услубига.

23. Атамалар қандай сўзлар жумласига киради?

а) бир маъноли сўзлар;

б) кўп маъноли сўзлар;

в) омонимлар;

г) синонимлар.

24. “Тишини тишига қўйиб юрди” гапида иборани қайси жавобдаги сўз билан алмаштириш мумкин?

а) жасорат кўрсатиб;

б) кузатиб;

в) ғазабланиб;

г) чидаб.

25. Ижтимоий ҳаётда рўй берган ўзгаришлар ҳаммадан аввал ва кўпроқ тилшуносликнинг қайси бўлимида ўз ифодасини топади ҳамда унда айрим ўзгаришлар бўлишига олиб келади?

а) орфоэпияда;

б) лексикологияда (луғат таркибида);

в) грамматикада;

г) сўз ясалишида.

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| г | в | в | б | в | а | г | а | г | б |
| 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 |
| б | г | б | а | г | б | в | б | б | а |
| 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | | | | | |
| а | г | а | г | б | | | | | |

Гурух тингловчилари юқоридаги топшириқларга жавоб бериб бўлганидан сўнг ўқитувчи мавзуни якунлайди, берилган жавобларни тўлдиради, қўшимчалар қилади. Дарс якунида мавзуни хулосалаб, фаол иштирок этганликлари учун тингловчиларга миннатдорчилик билдиради

**10 – мавзу.** *Ўқитувчи нутқининг бойлиги. Нутқнинг бойлигини таъминлайдиган лисоний ҳодисалар: кўп маънолилик, синонимлар, омонимлар, антонимлар, паронимлар, вариантлилик, грамматик шакллар, интонация. Синоним сўзлар, синоним иборалар, синоним қўшимчалар; омоним сўзлар, омоним иборалар, омоним қўшимчалар; антоним сўзлар, антоним иборалар, антоним қўшимчалар.*

Мусиқий олий таълим муассасаларида чизма – ҳисоб ёки курс лойиҳалари каби ишлар тўғридан – тўғри назарда тутилмаса – да, лекин бўлажак санъаткорнинг келажакда саҳнада, халқнинг назарида бўлиши ҳисобга олинган ҳолда, унинг нутқи содда, равон, таъсирчан бўлишига эришиш мақсадга мувофиқдир. Талабанинг адабий тилда равон, бехато гапириш кўникмасини ҳосил қилиш дарслар давомида олиб бориладиган ёзма ишлар, уйга бериладиган мустақил вазифаларни бажариш орқали амалга оширилади. Айниқса , халқ мақолларидан, шеърий парчалардан, адабий матнлардан фойдаланиш нутқнинг гўзал бўлиши ва таъсирчанлигини оширади. Адабиётимиз тарихи вакилларининг ҳаёти, ижоди ва уларнинг асарларини мукаммал ўрганиш талабаларнинг келажакда дунёқарашининг кенг, билим доираси чукур бўлишини таъминлайди.

Мазкур фан мавзуларини ўзлаштиришда талабаларга тавсия этилган бадиий адабиётлардан ва бошқа манбалардан ертали даражада фойдаланиб, улар ўз билимларини такомиллаштиришлари лозим. Шунингдек маълум мавзуларда рефератлар ёзилиб, ҳимоя қилиш, иншолар ёзиб, уларни таҳлил қилиш ҳам кўзда тутилади.

**11 – мавзу.** *Ўқитувчи нутқининг ифодалилиги. Мазмундорлик. Таъсирчанлик. Манбани яхши билиш. Қоғозга қарамаслик, ўқиб бермаслик. Интонацион воситалардан фойдаланиш.*

Ўқитувчи нутқи маданиятида, нотиқдик санъатида сўз танлаш жуда муҳим. Сўзнинг қудрати, таъсири, акс таъсири, оқибатию самараси ҳакдда ҳикматли сўзлар ўзбек адабиётида мўл-кўлдир. Қуйидага ҳикматлар, оз

бўлса-да, шундан далолат беради: *Сўздан кучлироқ қурол йўқ; сўз инсон* (бинобарин, нотиқ) *қудратининг қўмондонидир; сўз – ҳаётнинг ўткир қуроли; сўз нотиқнинг зангламас, доим кескир қуролидир.* Ўз ўрнида, вақтида астойдил айтилган оддий сўз ҳам аксарият ҳолларда енгалмас кучга айланади; бундай сўз нотиқнинг ўзини қизиқтириб, гоҳо қизиштириб, фаоллаштириб юбориши, тингловчиларни нафислиги билан маҳлиё қилиши мумкин.

Сўзларни синчковлик билан танлаб, улардан моҳирона фойдаланиб ифодаланган ҳар бир фикр, ғоя ёки таълимот таъсир миқёси тугамайдиган кучдир; унинг кучи ниҳоясиз. Сўз - гоҳо хатарли қурол, чунки сўз ярасидан кўра тиғ жароҳатини даволаш осон. Сўз сеҳридан кучлирок сеҳр йўқ; жонли, яъни ҳаётий, жарангдор, таъсирли, жозибали сўз мўъжизалар яратишга қодир.

Сўз танлашда шева, лаҳжаларда ишлатиладиган, ўзбек адабий тили лексиконига сиғмайдиган *аравақ* (қулоқдан йиринг оқиши), *сиппанмоқ* (сирпанмоқ), *тебрамоқ* (тебранмок), *уйламоқ,* (уйлантирмоқ), *тагойи* (тоға), *эмранмоқ* (сўлимоқ), *шимирмоқ* (симирмоқ), *шипирмоқ* (супирмоқ), *юмуртқа* (тухум) сингари сўзларни ишлатмасликни тавсия этамиз.

Педагоглар, олий мактаб раҳбарлари учун ибратли ҳикмат-лардан яна бири шундаки, бирор сўз айтишдан аввал унинг ортидан "келадиган" оқибатини ўйлаш зарур. Яхши ўйланмай, оқибатини олдиндан чамаламай, ихтиёрий ёки беихтиёр айтиб юбориладиган сўз ҳақиқатга хилоф бўлиши, муайян бир кишининг иззат-нафсини ерга уриши, қалбини жароҳатлаши мумкин.

Педагогнинг зўрма-зўраки, сунъий тарзда сўз ишлатиши аксарият ҳолларда нутқни бузади. Энг ўринли сўзлар ўз-ўзидан қуйилиб келадиган, олдиндан саралаб, чамалаб қўйилган сўзлардир; уларни нутқ жараёнининг ўзи айтиб тургандек бўлади.

Моҳир педагог тингловчиларнинг нутқ маданиятини шахсий намунаси билан ҳам тарбиялайди. Масалан, у тингловчи, талаба, аспирантларда ўз фикрини аниқ ифодалаш, ҳар бир сўз ва жумлани ишлатишга масъулият билан ёндашиш; ўзбек тилининг ғоят бой хазинасидага сўз жавоҳирларидан усталик билан фойдапаниш малакасини сайқал топтира олади; ибратомуз сўзлари, ёқимли иборалари, намунали ташбиҳларга бой жумлалари, жарангдор талаффузи билан тингловчиларда кўникма, маҳорат ҳосил этади.

Лекцияда халқ оғзаки ижодига мансуб ҳикматли сўзлар, рубоий, тўртлик, қизиқ-кизиқ иборалардан фойдаланиш талаб этилади. Бадиий тасвир, қиёслаш, ҳажвия (юмор) кабилар маърузани қизиқарли қилади; талабаларни зериктирмайди: мудратиб, пинакка кетказиб қўймайди, ҳордиғини чиқаради.

Педагог ҳамиша сўзларга торлик, мазмунга кенглик зарурлигини унутмасин. У кўп ва теран фикрласа, оз гапиради; чунки оз сўзга кўп мазмун сингдиришга интилади. Баён этиладиган масаланинг мазмуни аввал пухта ўйлаб олинган бўлса, сўзлар беихтиёр қуйилиб келаверади. Шунда нотиқлик гўё фикр наққошлига бўлади.

Тил бойлига – тафаккур бойлигининг, тил қашшоқлиги - фикр қашшоклигининг ифодаси эканлигини қуйидаги мулоҳазалар тасдиклайди: агар педагогнинг нутқи ланж, суст, пойма-пой, нўноқ, мужмаи, қовушмаган бўлса, демак, унинг фикрлаш қобилияти ҳам шуқдайдир. Ҳар бир нотиқ ўз нутқида аниқлик, равшанлик, жозибадорликка эришмоғи зарур; бу эса воиздан сўзлашда қисқапик, лўндапик, ихчамликни тапаб этади. Тилдаги аниқ-равшанлик - тиниқ фикрнинг ташқи ифодаси, чунки шундай фикргина равшан сўзлашни таъминлайди. Сўзлашдаги ноаниклик, шубҳасиз, фикрдаги ноаникдикнинг белгисвдир.

Қайси педагог аниқ-равшан фикр қилса, уни худди шундай баён этади. Тилнинг, маънонинг аникдиги, ўткирлигига интилиш нотиқдик санъатини

эгаллаш учун курашишдир; бу кураш қаичалик кескин, ўткир, амиқ йўлга солинган бўлса, нутқ шу қадар самарали бўлади. Сўзга жо бўлмайдиган ҳеч бир мазмун йўқ. Педагогнинг нутқидага сўзлар - фикрларининг ифодасидир, шу боис бу сўзлар ифода этилаётган фикрга мувофиқ бўлмаса, сўз ҳам мужмал, мавҳум бўлади. Моҳир нотиқдагина фикр равшанлиги ифода аникдига билан ҳамоҳанг бўлади.

Педагогларга тавсиямиз шуки, улар нимани гапириш ҳар доим ҳам зарур бўлавермаслигини ва қандай гапириш доимо лозимлигини унутмасинлар. Энг қимматли ғоя, фикр, дастур ҳам, агар маҳоратсиз ифодаланса, ўзининг қийматини йўқотади; мабодо такрорланаверса, тингловчини диққинафас қилади. Демак, фикрнинг аникдиги ва равшанлиги ифоданинг ҳам шундай бўлишини таъминлайди.

Донолар талқинича, тил, сўз, нутқ равшанлига фикр, ҳатто тафаккурнинг шундай бўлиши оқибатидир; равшан фикр эса ўз шакли-ифодаси ҳам равшан бўлишини тақозо этади. Нотиқ нимани аниқ тасаввур этолмаса, уни чалкаш гапиради; ноаниқ ифода фақат шундай фикрнинг намоён бўлишидир.

Оддийгина, яъни ҳаммабоп, аниқ-равшан, осонгана тушуниб, эслаб қоладиган қилиб сўзлаётган нотиққа такдид этиш (эргашиш) аввалига жуда осондек туйилади; аммо аслида бундан қийинроқ иш йўқ. Педагог миясига аниқ фикр келса, у равшан сўзлаиди, аммо бу фикрни онгага сингдириб олса, янада равшанроқ гапиради.

Педагог фикридаги хатолар, ноаниқликлар нуткдаги хатоларни, улар эса, ўз навбатида, ишдаги, амалдаги хатоларни келтириб чиқаради, талабаларни чалғитади.

Педагог тилининг гўзаллиги, биринчи навбатда, унинг аниқлига ва мазмундорлигидадир. Оддийгина қилиб, равшан баён этиш мумкин бўлмаган ҳеч бир фикр, ғоя ёки таълимот йўқ. Бинобарин, аниқлик нутқнинг асосий фазилатидир. Педагогнинг тили, сўзи қанчалик оддий бўлса, шунчалик

равшан бўлади; сўз қанчалик ўз ўрнида ишлатилса, нутқни шунчалик кучли, жозибали ва ишончли қилади.

Буюк акл соҳибларида оз сўз билан кўп маъно бериш хислати мавжуд бўлгани каби, "моҳир нотиқ, устаси фаранг педагог ҳам "оз сўзла-ю, соз сўзла", деган мақолга амал қилади. Маъқул сўзласанг, ҳеч қачон кўп сўзламайсан, агар узайиб кетса, энг яхши нутқ ҳам тингловчини чарчатади, деган ҳикматларга риоя қилиш энг яхши фазилатлардандир. Бундай нотиқлар – нотиқлик жавоҳирининг худди ўзгинаси: салмоғига қараб нур таратади. Улар асл донолик қисқа ифодаланади, деган қоидага бўйсунадилар.

Улуғ драматурглардан бири айтганидек, гап кам жойда унинг салмоғи кўп бўлади. Қисқа, лекин ифодали ибора бир бор эшитиб англанади, тингловчи хотирасида муҳрланиб, унинг шиорига айланади, узундан-узоқ мулоҳазаларда эса бундай бўлмайди.

Педагог фикрининг чуваланмаслига, аксинча, тингловчилар ҳузурида эркин парвоз қилиши учун гапда қисқалик лозим, чунки фикр ортиқча, "нишхўрт" сўзлар уюмида чалкашади. Педагог қанчалик моҳирона сўзламасин, керагидан ортнқ, яъни мавзуга тегишли бўлмаган гапларни айта бошласа, пировардида нутқ мантиғини йўқотади, тингловчилар мийиғида кула бошлайдилар.

Хуллас, нуткдаги аниқлик қисқалик билан уйғунлашганда таъсирчан, хотирада сакланувчан бўлади.

Ҳар бир педагог, хусусан олий ўқув юртининг раҳбари ўз нутқидаги йирик, махсус масалаларни баён этиб бўлгач, уларнинг ҳар бири бўйича, нутқ пировардида эса бутун нутқи бўйича қисқа, аниқ, равшан, иложи бўлса саналган тарзда хулосалар чиқариши шарт. Акс ҳолда, улар мантиқ фанининг тезис, мантиқий асос, ҳукм ва синтез, яъни умумлаштириш, хулоса чиқариш зарурлиги ҳақидаги талабини бузган бўладилар.

**12 – мавзу.** *Ўқитувчи нутқининг образлилиги. Бадиий тасвир воситалари. Кўчма маънолар. Маъно кўчиш усуллари: Метафора – ташқи шаклий ўхшашликка асосланган маъно кўчиш. Синекдоха – қисм билан бутунни аташ орқали маъно кўчиши. Киноя – зид маънога асосланган маъно кўчиши. Вазифадошлик – вазифасига кўра маъно кўчиши. Троплар ва унинг турлари. Эпитет. Ўхшатиш. Муболаға*

## МАВЗУ БЎЙИЧА ТАВВСИЯ ЭТИЛАДИГАН МАЛАКА ИШИ РЎЙҲАТИ

1. Президент Ислом Каримовнинг нотиқлик маҳорати.
2. Нотиқлик санъати ва сиёсат.
3. Президент Ислом Каримов нутқларининг таъсирчанлиги сирлари.
4. Ислом Каримовнинг ўз нутқларида халқ мақоллари, матал ва ибораларини қўллаш маҳорати.
5. Президент Ислом Каримовнинг баҳс юритиш маҳорати.
6. Нутқ ва тил.
7. Муомала маданияти.
8. Қадимги туркий ёзма ёдгорликларида нутқ маданияти ва нотиқлик.
9. Қуръони каримда тил ва нутқ маданияти ҳақидаги таълимот.
10. Ҳадиси шарифларда нутқ одоби  ҳақидаги ҳаётий кўрсатмалар.
11. Халқ оғзаки ижодиёти намуналари нутқ маданияти манбаларидан бири сифатида.
12. “Алпомиш” достонида миллий тил гўзаллиги ва тил одоби ҳақидаги мушоҳадалар.
13. ўбек халқ мақолларида тил ва нутқ маданияти муаммолари.
14. Маҳмуд Қошқарийнинг “Девону луғатит турк” асарида тил ва нутқ маданиятига оид маълумотлар.
15. Юсуф Хос Ҳожибнинг Қутадғу билиг” асарида нутқ одоби сабоқлари.
16. Аҳмад Яссавий ҳикматларида тил ва сўзга муносабат.

17. “Қобуснома”да нутқ маданияти одамгарчиликнинг бир хусусияти сифатида.
18. Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонида сўз, сўзнинг аҳамияти, нутқ маданияти ва нутқ одоби ҳақидаги фикрлар.
19. Алишер Навоий қитъаларида нутқ одоби ҳақидаги ўгитлар.
20. Алишер Навоий рубоийларида нутқ маданияти ғоялари.
21. “Маҳбуб ул-қулуб” асарида шарқона муомала маданияти сабоқлари.
22. Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеърларида сўз ва нутқ ҳақида лирик-фалсафий мушоҳадалар.
23. Сўфи Оллоёр назмида нуктадонлик ва сўзамоллик ҳақидаги сабоқлар.
24. ўбек ҳурфикр (демократ) ва жадид ижодкорларининг она тили ҳамда миллий нутқ ҳақидаги қарашлари.
25. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъатининг жаҳон миқёсидаги илк манбалари ҳамда илдизлари.
26. Қадимий Миср, Ассурия, Вавилон ҳамда ²индистондаги нотиқлик.
27. Қадимги Рим ва Грециядаги нотиқлик мактаблари.
28. Цицерон, Демосфен - қадимги машҳур нотиқлар.
29. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романида бадиий нутқ гўзаллиги.
30. Неъмат Аминовнинг “Елвизак” ва “Суварак” асарларида раҳбар шахс маънавиятини ҳажвий йўсинда ёритишдаги бадиий тил маҳорати.
31. Шарқдаги воизлик санъати ва унинг тарихий такомили. (Ҳусайн Воиз Кошифий асарлари асосида)
32. ўбекистонда нотиқлик санъати: тарих, истиқлол, истиқбол.
33. ўбек тилига давлат тили мақоми берилишининг тарихи ва она тилимиз истиқболи.
34. “ўбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинишининг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий аҳамияти.
35. ўбек миллий ёзуви тарихи: истиқлол ва имло.
36. ўбек миллий ҳужжатчилиги тарихи.

37. Замонавий ўзбек миллий ҳужжатчилигини шакллантириш муаммолари.
38. Оммавий нутқ маҳорати сирлари (Д.Карнеги асарлари асосида).

## **13 – мавзу.** *Услубий фигуралар. Антитеза. Градация. Риторик сўроқ. Эллипсис. Такрор.*

Тилшуносликда бу ҳодиса учун фигуралар поэтик синтаксис, баъзан эса риторик фигуралар терминларидан фойдаланилади.

Услубий фигуралар ҳақида гапирилганда тингловчига умумий ҳиссиёт таъсир кўрсатувчи, нутқнинг мана шу таъсирини оширувчи махсус синтактик қурилмалар назарда тутилади.

Услубий фигуралар ва троплар бир – бирларини тўлдиради, бири иккинчисига аниқликлар киритади.

Такрор, тинч қолиш, сукут, риторик сўоқ, антитеза, градация, кўп боғловчилик ва боғловчисизлик, инверсия, эллипсис кабилар услубий фигураларнинг асосий кўринишларидандир.

**Антитеза** – грекча сўз бўлиб, қарама – қарши қўйиш маъносини билдиради.

Антитеза ифодалиликни кучайтириш учун қарама – қарши тушунчаларни, фикр, образ, нарсаларни, шахсларнинг характерларини қиёслаш ёки бир хил нарса – ҳодисаларнинг даража жиҳатидан қарама – қарши ҳолатини тасвирлаш учун фойдаланилади. Икки қарама – қарши қшйилган белги ёки хусусият эса бири иккичисини инкор қилади.

**Градация**. Лотин тилидан олинган бўлиб, зинапоя (аста – секин юқорига кўтарилиб бориш ёки юқоридан пастга қараб бориш) маъносини билдиради.

Градация нарса, белги, хусусият ёки ҳаракатини биридан иккинчиси кучлироқ ёки кучсизроқ маъно оттенкалари синонимик ёки бир хилдаги сўзлар воситасида кучайтириб ёки камайтириб бориш орқали тасвирлашдир.

**Риторик сўроқ. Риторик хитоб.** Риторик сўроқ услубий приём сифатида ўқувчининг ёки тингловчининг диққатини маълум бир мавзу ёки унинг қисмига жалб қилиш учун ишлатилади.

Одатда сўроқ гап тингловчидан жавоб талаб қилади, риторик сўроқ гапларда эса жавоб талаб қилинмайди. Риторик сўроқ гапларда оҳанг катта роль ўйнайди, оҳанг ёрдамида кўпинча сўроқ гапнинг ўзи айни шаклда тасдиқни ифодалаб туради.

Эллипсис (рекча сўз бўлиб, тушириб қолдириш демакдир).

Эллипсис ёзма ва оғзаки нутқда тезлик, кескинлик, шошилинчилик хусусиятини белгиловчи воситалардан ҳисобланади.

Нутқий матндан осонгина билиб олинадиган сўзнинг ёзувчи томонидан атайлаб тушириб қолдирилиш эллипсис дейилади.

Эллипсис ихчамликни таъминлайди. Эллипсиснинг энг оддий турлари сифатида ушуб турларини: Меҳнат қаҳрамонларига шон – шарафлар!, буйруқ характеридаги қичқириқларни – Олға! Отларга! Бекининг! Ётинг!... кўрсатиш мумкин.

**Такрор**. Илмий адабиётларда аллитерация, анафора, эпифора, рифма (қофия), ассонанс, консонанс, монорим, плеоназм, тавтология, нақорат кабилар бадиий такрорнинг турли хил кўринишлари сифатида талқин қилинади.

**14 – мавзу.** *Нутқ услублари ва нутқ маданияти. Жонли сўзлашув услуби. Илмий услуб. Расмий услуб. Публицистик услуб. Бадиий услуб.*

Стиль, яъни услуб термини[4] жуда қадим замонлардан буён ишлатилиб келинаётган бўлиб у турли даврларда турли соҳаларда турлича тушунилди ва изоҳланди. Аслида стиль грекча stulos сўзидан олинган бўлиб, ёзиш учун ишлатиладиган учи ўткирлаштирилган таёқчани билдирган.

Нутқ услублари деганимизда, юқорида эслатганимиздек, тил услубларининг алоқа жараёнида қўлланиш тушунилади.

**Сўзлашув услуби.** Сўзлашув услуби кишиларнинг кундалик норасмий, эркин муомалалари доирасида тил бирликларининг ўзига хос амал қилувидир.

**Расмий иш қоғозлари услуби.** Расмий иш қоғозлари услуби ҳозирги ўзбек адабий тилининг маъмурий ва юридик ишларда амал қиладиган бир кўринишидир.

**Илмий услуб.** Илмий услуб[5] фан, техника ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган вазифавий услубдир. У ўз ичида яна илмий – техникавий, илмий – ҳужжат, илмий – оммавий, ўқув – илмий, публицистик каби бир неча соф илмий турларга бўлинади.

**Публицистик услуб.** Публицистик асарларнинг (масалан, хабар, репортаж, корреспонденция, мақола, очерк, фельетон, памфлет, бош мақола ва бошқаларнинг) услубий чегараланиши уларнинг, энг аввало, алоҳида лисоний белгиларга эга эканлигида кўринади.

**15 – мавзу.** *Якуний назорат.*

**16 – мавзу.** *Амалий машғулотлар.*

| **Фан**: “Ўқитувчи – нутқ маданияти” | **Аудитория**: |
| --- | --- |

[4] Розенталь Д. Э. Практическая стилистика русского язкка. – М.: Висшая школа, 1977, с. 9

[5] Бу борада ўзбек тилшунослигида монографик тадқиқотлар олиб борилган. Қаранг: Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. – Тошкент: Фан, 1984.

**<u>Мавзу:</u>** Ўқитувчи – нутқ маданиятига кириш. Нотиқлик турлари ва нотиқлик маҳорати.

**<u>Калит сўзлар</u>**: Ўқитувчи – нутқ маданияти, нотиқлик санъати, воизлик санъати, нотиқлик санъатининг манбалари, замонавий ваъз, жонли сўз, нутқнинг таъсирчанлиги, (экспрессивлиги), нолисоний усул, мимика, фикрнинг мантиқийлиги.

**<u>Соатлар сони</u>**: (2 соат маъруза)

**<u>Маъруза матнини ишлаб чиқувчи:</u>** Ф.Ф.Н. Доцент С. Рахмонова

**<u>Маъруза матнини ишланган санаси</u>**: 2011 йил июн

**<u>Иш жойи</u>**: Ўзбекистон давлат консерваторияси. “Шарқ мусиқаси” факультетининг “Тилларни ўрганиш” кафедраси

**Мавзунинг қисқача таърифи (Давлат талабларига мувофиқ)**

Ўқитувчи – нутқ маданиятига кириш. “Ўқитувчи – нутқ маданият” тушунчаси. “Нотиқлик санъати” тушунчаси. “Ўқитувчи – нутқ маданияти ва нотиқлик санъати” ўзбек адабий тили ва умуммиллий тил имкониятларини ўрганувчи ва уларни маълум шароит ва кўзланган мақсадга мувофиқ ҳаётга тадбиқи билан шуғулланувчи курсдир. Назария ва амалиёт уйғунлиги. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати давлатшунослик, жамиятшунослик, сиёсатшунослик, адабиётшунослик, поэтика. Эстетика, педагогика, мантиқ, психология соҳаларига даҳлдор кенг қамровли фан сифатида. Нутқ маданиятининг маънавий-ахлоқий омил сифатида инсон комолотида тутган ўрни. Нотиқлик ва воизлик санъатининг нутқ маданияти билан вобасталиги.

Хусусий нутқнинг шахс умуммаданий қиёфаси ва савиясини акс эттирувчи фазилат сифатида миллий тил равнақига таъсири.

Миллий нутқ маданияти равнақи-умуммиллий тараққиётимизнинг узвий қисми.

Қадимги Юнон ва Римда нотиқлик санъатининг ривожланиши. Аристотель нотиқлик ҳақида. Цицероннинг нотиқлик санъатинини ривожлантириши.

Ўзбекистон тарихида нотиқлик санъати. Соҳибқирон Амир Темурнинг нотиқлик санъати. Алишер Навоий нотиқлик санъатининг ўрни ҳақида. Ҳусайн Воиз Кошифий - моҳир сўз устаси.

Мустақиллик даврида миллий нотиқлик санъатининг шаклланиши ва ривожланиши. Сиёсий жараёнларда нутқ маданиятининг ўрни. Нотиқлик санъатида шахс манфаатлари ва миллий

манфаатларни уйғунлаштириш услублари. Давлат сиёсатини фуқароларга етказшда нотиқликнинг ўрни. Меҳнат жамоасида ҳамкорлик, бирдамлик ва ишчанлик муҳитини яратишда нутқ маданиятининг ўрни. Бошқарувда муомаланинг ўрни. Меҳнат жамоасини жипслаштириш, уни ташкилот вазифаларини бажаришга сафарбар этишда муомала маданиятининг роли. Муомаланинг маънавий қадриятлар ва адолат принципларига амал қилишининг аҳамияти. Муомаланинг инсон меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантиришдаги ўрни. Ишонтириш - нотиқлик санъатининг асоси.

Миллий истиқлол мафкураси ва маънавий қадриятларни тарғиб этишда нотиқлик санъатининг ўрни.

***Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси***

**Метод:** Баҳс-мунозара фаол савол-жавоблар, жонли фикр алмашувлар

**Форма**: маъруза, савол-жавоб, индивидуал ишлаш, кичик гуруҳларда ишлаш

**Воситалар** (техник ва дидактик**):** тарқатма материал, 5 та ватман когоз, маъруза асосидаа тайёрланган презентация слайдлари, маркерлар, скоч, доска, компьтер, проектор.

**Назорат:** Оғзаки назорат, ўз-ўзини назорат қилиш, савол-жавоб, тест орқали

**Баҳолаш:** Рағбатлантириш, гуруҳлар ишини баҳолаш.

**Дарс (маъруза)нинг мақсад ва вазифалари:**

| Мақсадлар: | Вазифалар: |
|---|---|
| Таълимий: мусиқий олий таълим муассасаларида ва нотиқлик санъати ва нотиқлик санъатининг ўрни, раҳбарнинг мулоқот ўрнатиш маҳорати ҳамда сўзлаш санъати хақида таълим бериш. | Таълимий савол: Нотиқлик санъатининг манбалари ва ривожланиш тарихи.<br>Нотиқлик санъатининг инсон фаолиятидаги ўрни. |
| Тарбиявий Халқимизнинг нутқ маданиятига хурмат ва муҳаббатни ошириш | Тарбиявий савол:<br>Ўзбек халқининг тил бойлиги<br>Шарқ матаффакирларининг нутқ одоби хақидаги фикрлар |
| Ривожлантирувчи: Таълим муассасасида педагогик жамоа ўртасида ҳамкорлик, | Ривожлантирувчи савол: |

<table>
<tr><td colspan="2">бирдамлик ва ишчанлик муҳитини яратишда нотиқлик санъатидан фойдалана олиш.</td><td colspan="2">Нотиқлик санъатида шахс манфаатлари ва миллий манфаатларнни уйғунлаштириш.<br><br>Касбий нутқнинг мақсад ва йўналишлари.</td></tr>
<tr><td colspan="4">Кутилаётган натижалар:</td></tr>
<tr><td colspan="2">Дарс (маъруза) якунида тингловчи билади (Билим):<br><br>Талабаларнинг адабий тилда ровон бехато гапириш кўникмасини хосил қилиш ва нотиқлик ҳамда нотиқлик санъатининг ўрни ҳақида билимларга эга бўлади.</td><td colspan="2">Қайси саволлар берилади:<br><br>Касбий маҳоратини ошириш ва нотиқлик ҳақида<br><br>сўзлаш ва тинглаш қобилияти ўстириш.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Дарс/маъруза/ якунида тингловчи тушунади (Кўникма):<br><br>Нотиқлик санъатининг ривожланиш тарихи,<br><br>таълим-тарбия жараёнларида ва дарс жараёнида нутқ маданиятининг ўрни ҳақида тушунчаларга эга бўлади.</td><td colspan="2">Қайси саволлар берилади:<br><br>Қадимги Юнон ва Римда нотиқлик санъатининг ривожланиши<br><br>Ўзбекистон тарихида нотиқлик санъати.<br><br>Мустақиллик даврида миллий нотиқлик санъатининг шаклланиши ва ривожланиши<br><br>Таълим-тарбия жараёнларида нутқ маданиятининг ўрни</td></tr>
<tr><td colspan="2">Дарс/маъруза/ якунида тингловчи бажара олади (Малака):<br><br>Таълим муассасасида таълим ва тарбия сифатини оширишда ҳамда педагогик жамоа ўртасида ҳамкорлик, бирдамлик ва ижодий муҳитни яратишда нотиқлик санъатидан фойдалана олади.</td><td colspan="2">Қандай топшириқлар берилади:<br><br>Нутқда бадиийлик унсурлари ва нотиқнинг сўз қўллаш маҳорати (баҳс-мунозара, мажлис олиб бориш, жамоада ижодий муҳитни яратиш, таълим ва тарбия сифатини оширишда нутқ маданиятини ўрнини тўлиқ англаш.)</td></tr>
<tr><td colspan="4">Дарс жараёни ва унинг босқичлари:</td></tr>
<tr><td>Ишнинг номи</td><td>Бажариладиган иш мазмуни</td><td>Метод</td><td>Вақт</td></tr>
<tr><td>1-босқич: Ташкилий қисм.</td><td>Дарс хонасининг дарсга тайёрлиги холати, тингловчилар давомати текширилади.</td><td></td><td>5 мин.</td></tr>
<tr><td>2-босқич:<br>Рефлексия.<br>Эҳтиёжларни аниқлаш</td><td>Тингловчиларни қизиқтирган ёки улар учун муаммо бўлган саволларни аниқлаш</td><td>Савол-жавоб</td><td>5 мин.</td></tr>
</table>

| | | | |
|---|---|---|---|
| **3-босқич:**<br>**Янги мавзунинг баёни** | Ўқитувчи янги мавзунинг мазмунини тингловчиларга етказади ва гуруҳларда иш олиб боради. | Интерфаол усул | 43 мин. |
| **4-босқич: Мустаҳкамлаш** | Мавзуни мустахкамлаш учун тингловчиларга қўшимча саволлар берилади. | Савол-жавоб | 20 мин. |
| **5-босқич: Баҳолаш.**<br><br>**Дарс якуни** | Дарс якунида фаол қатнашган тингловчилар рағбатлантирилади<br>Ўқитувчи мавзуга қисқача хулоса ясайди ва дарсни якунлайди | Адолатли қарор | 5 мин. |
| **6-босқич: Мустақил бажариш учун топшириқлар (уйга вазифа)** | Тест топшириқлари<br>Реферат мавзулари | Саволлар ва мавзулар рўйхати тақдим этилади. | 2 мин. |

**1 – мавзу:** Ўқитувчи – нутқ маданияти ва нутқ одоби. Нотиқлик турлари ва нотиқлик маҳорати.

(2 соат)

**РЕЖА:**

1. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъатининг турлари ва усуллари.
2. Ҳозирги даврда педагогнинг нутқ маданияти ва нотиқлик маҳоратига қўйиладиган асосий талаблар.
3. Нутқ маданияти тушунчаси.

Дарс бошланишидан олдин синф парталари кичик гуруҳларда ишлаш услуби учун мослаб жойлаштирилади.

Гуруҳлар номи: Нутқ, Нотиқ, Воиз, Тингловчи, Мимика Мантиқ,

Дарс аввалида ўқитувчи бошқарув тушунчаси, нотиқлик санъати, бошқарувда нотиқлик санъатининг ўрни ва раҳбарнинг мулоқот ўрнатиш маҳорати, сўзлаш санъати, ҳамда тинглаш қобилияти хақида гапириб, берилган саволларга аниқ ва лўнда жавоб беради, сўнгра, гуруҳларга саволлар ёзилган карточкаларни тарқатади.

Гуруҳлар ўзларига берилган саволларга жавоб бериб, тақдимот ўтказадилар:

Маданиятнинг бир бўлаги сифатида нутқ маданияти ҳар бир зиёлининг зиёлилик даражасини белгилайдиган мезондир.

Айниқса, санъат аҳли ҳамиша элнинг назарида бўлади. Санъаткор нафақат ўзининг куй қўшиқлари ижроси билан, балки ўзининг сермазмун, таъсирчан, жозибадор нутқи билан ҳам тингловчиларни, суҳбатдошини сеҳрлаб қўя олиши лозим. Аслида нутқнинг сеҳри куй, қўшиқ сеҳрдан асло қолишмайди. Хуллас, санъаткор оддий, тўпори нутқида гаплашмаслиги жоиз. Нутқ маданиятининг сир – асрорларидан воқиф бўлмоғи лозим.

Бунинг учун аввало ўзбек тилининг биридир менинг тилим! Олимларнинг таъкидлашларича, XI асрда яратилган Маҳмуд Қошғорийнинг “Девони луғатит турк” асари, XII асрда яратилган Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билик” асари, Аҳмад Югнақийнинг “Ҳибат – ул ҳақойиқ” асарларида учрайдиган сўзларнинг 75 – 80 фоизи учрайди менинг тилимда. Бу эса ўша қадимий ёзма ёдгорликларга ворислигимиздан далолатдир.

Маълумки, барча туркий тиллар (қозоқ, қирғиз, татар, бошқирд, туркман, озорбайжон, турк, ёқут, чуваш, хакас ва бошқалар) уч лаҳжадан бирига

(қарлуқ – чигил, қипчоқ, ўғуз) асосланади. Ўз бағрига ҳар уч лаҳжани жо айлаган сершева тиллардан биридир менинг тилим!

XV асрда ҳам тилимиз камситилган. Туркий тилда гўзал асар яратиб бўлмайди деган тушунчалар мавжуд эди. Ижод аҳли ўз асарларини араб ва форсий тилда битганлар. Ҳазрат Мир Алишер Навоий туркий тилда гўзал “Хамса” яратиб уларга амалий иш билан жавоб берганлар. “Хамса” ярата олган қудратли тиллардан биридир, менинг тилим! Бундан ташқари ҳазрат “Муҳокамат – ул луғатайн” деган асар ёзиб туркий тилни форсий тил билан қиёслаб унинг гўзаллигин, бойлигини илмий асослаб бердилар.

Абдурауф Фитрат Навоий ҳазратларининг асарларини таҳлил қилар экан, “йиғламоқ” феълини 28 та сўз билан ифодаланганлигини эътироф этади. Бир тушунчани ифодаламоқ учун ўз бағридан ўнлаб сўз топа билган пурмаъно тиллардан биридир, менинг тилим!

Халқнинг турмуш тажрибаларидан олинган хулосалари битилган мақолу матал ва ҳикматли сўзларга бой пурҳикмат тиллардан биридир менинг тилим!

Қўполликни ёқтирмайдиган нозиктаъб, хушхулқ тиллардан биридир, менинг тилим!

Ҳатто сўзларни ҳам ўйната оладиган туюқу аскиялар тилидир, менинг тилим!

Шоир айтганидек, “булбул куйин куйга соладиган” дилрабо тиллардан биридир, менинг тилим!

Дунёда ягона Ўзбекистон давлатининг ягона давлат тилидир, менинг тилим!

Нутқ маданиятига ёндашишида тилнинг ушбу имкониятилардан фойдаланиш лозимдир.

